**КИРИШ.** 2012 йилда Иценко-Кушинг касаллигига (ИКК) Россия Федерациясида расман орфан касаллиги мақоми берилди. Унинг дунёда тарқалиши 1 миллион аҳолига 1,5 дан 3,9 нафаргача ҳолатга тўғри келади [1].

Иценко-Кушинг касаллигининг сабаби гипофиз аденомаси (кортикотропинома), бу эндоген гиперкортизмнинг симптоми мажмуасини келтириб чиқаради. Иценко-Кушинг касаллиги билан оғриган беморлар учун терапиянинг "олтин стандарти" трансназал аденомектомия ҳисобланади. Аммо радикал операциядан кейинги 20% ҳолларда касалликнинг ремиссиясига эришиш мумкин эмас [2].

Иценко-Кушинг касаллигини даволаш учун ишлатиладиган дори воситалари орасида марказий таъсир кўрсатадиган дорилар – соматостатин

аналогларига алоҳида эътибор берилади. Улардан бири пасиреотид бўлиб, у халқаро клиник синовларда самарадорлигини исботлади [3].

Иценко-Кушинг касаллигининг табиий кечиши билан (даволашсиз) 5 йиллик ҳаёт сифати 50% ни ташкил қилади. Юқори ихтисослашган марказда ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш билан ремиссияга 80% ҳолларда эришиш мумкин ва ремиссиядаги беморларда кўпинча ўлим ҳоллари кузатилмайди [4, 5].

**УСУЛЛАР.** Иценко-Кушинг касаллигининг даволаш усулларини “Касалланиш қиймати таҳлили” усулида баҳолаш ва ушбу касалликни даволашда қўлланиладиган “Каберголин” дори воситаси билан даволашнинг “Ҳаражатларни минималлаштириш таҳлили” усулида қиёсий таҳлилларини олиб борилди.

**НАТИЖАЛАР.** Иценко-Кушинг касаллигини даволашда етакчи ўринларда нейрохирургик даволаш усули туради. Ушбу йўл билан даволашда қўлланиладиган – трансназал аденомектомия 2000 йилдан бошлаб Иценко-Кушинг касаллигини даволашнинг энг самарали усули сифатида тан олинган.

Илмий изланишларимиз давомида сарф-ҳаражатларни битта бемор учун ҳисоблаш “Касаллик қиймати таҳлили” формуласидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

$$COI = DC + IC$$

бу ерда: COI - касаллик қиймати кўрсаткичи;

DC - бевосита ҳаражатлар;

IC - билвосита ҳаражатлар.

Иценко-Кушинг касаллигини даволаш ҳаражатларини Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт маркази маълумотларига асосланган ҳолда ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология РИИА Эндокринология тиббиёт марказида нейрохирургия фаолият маркази амалиёти гипофиз беши бўйича транссфеноидал аралашувини 2010 йилда жорий этди. 2013 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан Эндокринология марказида нейрохирургия бўлими фаолият бошлади. Бир қатор омилларга қараб нейрохирургик даволаш гипофиз микроаденомалари билан 65-90% ҳолларда ва макроаденомалар билан 50-70% ҳолларда касалликнинг ремиссиясига эришиши мумкин.

Марказда беморни нейрохирургик усулда даволаш учун, 1 нафар беморнинг умумий ҳаражатлари ҳисоблаб чиқилди. Бевосита ҳаражатларга ташхис қўйиш ва тўлиқ даволаниш учун сарфланадиган барча умумий ҳаражатлари ҳисоблаб чиқилди. Бунда 60 нафар беморнинг касаллик варақалари ва уларга ташхис қўйиш учун буюрилган муолажалар таҳлил қилинди ва даволаниш ҳаражатларини ўрганилиб чиқилди.

Кушинг синдроми касаллиги ташхисини қўйиш асосан икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда асосан бирламчи ташхис қўйилиб, бунда асосан қон, пешоб ва сийдикдаги кортизол миқдори текширилади. Бирламчи ташхисни амалга ошириш учун беморда ўтказиладиган текширувлар рўйхати ва сарфланадиган ҳаражатлар миқдори – 319 000 сўм сарфланади.

Юқоридаги ташхис муолажалари ижобий чиққанда, яъни қон, пешоб ва сўлакдаги кортизол миқдори юқори бўлганда қуйидаги иккинчи турдаги ташхис муолажалари амалга оширилади. Юқоридаги ҳаражатларни ҳисобига кўра марказда беморга ушбу касаллик ташхисини қўйиш учун умумий ҳисобда – 1 380 000 сўм сарфланади.

Беморга ушбу касаллик ташхиси қўйилгандан сўнг, ушбу касалликни босқичларига қараб нейрохирургик, нур олиш орқали ёки дори воситалар ёрдамида даволаш курслари белгиланади.

Нейрохирургик муолажа ва операциядан кейинги даволаниш курслари учун ҳаражатлар миқдори - 5 717 000 сумни ташкил қилади.

$COI = DC + IC = 1\,380\,000 + 5\,717\,000 = 7\,097\,000$  сум беморни даволаш учун уртача сарф-ҳаражат килинади.

1-жадвал

**Нейрохирургик усулда даволанган беморларнинг стационар шароитида битта бемор учун “Касалланиш қиймати таҳлили”**

Сарф-ҳаражатлар таҳлили	Даволаш усуллари
Бевосита ҳаражатлар	5 717 000
Билвосита ҳаражатлар	1 380 000
Жами	7 097 000

Иценко-Кушинг касаллигини дори воситалари билан даволашда асосан соматостатиннинг мультилиганд аналоги – пасиреотид кенг қўлланилади. Пасиреотид асосан, нейрохирургик даволаш усули мумкин бўлмаган, 18 ёшдан катта бўлган беморларда қўлланилади. Пасиреотид-Иценко-Кушинг касаллигини даволаш учун Россия Федерациясидаги

расмий равишда рўйхатдан ўтган ягона дори воситаси хисобланади. Бунда дори препаратининг суткалик дозасини, яъни 600 мкг дан 2 маҳал тери остига юборилади. Дозани коррекциялаш 300 мкг дан ҳар 3 ойда бир марта амалга оширилади ва кунлик сийдикда кортизол даражасининг етарли даражада пасайиши билан кўпайтирилиши мумкин (кунлик сийдикдаги кортизол даражаси мос ёзувлар қийматларидан 2 баравар юқори) ёки камайтирилиши мумкин. Пасиреотид дозаси 900 мкг кунига 2 марта тери остига юбориш, 600 мкг кунига 2 марта тери остига юборишдан олинган натижага нисбатан гипофиз шиши ҳажмини камайтириш учун самаралироқ бўлади. Пасиреотид билан даволашнинг ҳаражатлари 12 250 000 сумни ташкил қилади. Таркибида пасиреотид сақловчи дори воситалари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри” рўйхатдан ўтказилмаган.

Каберголин нейрохирургик даволашни имкони бўлмаган ёки самарадорлиги паст бўлган ҳолларда, пролактин даражасидан қатъи назар, монотерапия ва бошқа дори воситалари билан биргаликда қўлланилиши мумкин. Каберголин билан касалликни даволаш ҳаражатлари ўртача – 1 000 000 сўмни ташкил қилади.

2-жадвал

**Каберголин дори воситаси ёрдамида даволанган беморларнинг стационар шароитида битта бемор учун “Касалланиш қиймати таҳлили”**

<b>Сарф-ҳаражатлар таҳлили</b>	<b>Даволаш усуллари</b>
Бевосита ҳаражатлар	1 000 000
Билвосита ҳаражатлар	1 380 000
Жами	2 380 000

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида Иценко-Кушинг касаллигига қарши дори воситалари ассортиментини таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестридан фойдаланилди. Давлат Реестрларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик.

2021 йил 25 сонли Давлат Реестрига киритилган Кушинг синдроми касалликларда қўлланиладиган дори воситаларидан ҳорижий давлатлар бўйича 9 та дори воситаси, МДХ давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситасидан 1 таси ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан

ишлаб чиқарилган 1 нафар дори воситаси реестрга киритилган. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри”нинг 2021 йил маълумотларига кўра Каберголин таркибли дори воситаларининг 5 та номдаги турлари руйхатдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боскичида дори воситаларининг самарадорлиги бир хил эканлигига асосланиб “Харажатларни минималлаштириш таҳлили”дан фойдаландик.

$$CMA = (DC_1 + IC_2) - (D C_2 + IC_2)$$

Бу ерда: CMA - харажатлар фарқи кўрсаткичи;

$DC_1$  – биринчи даволаш усулида фойдаланилган бевосита харажатлар;

$IC_1$  – биринчи даволаш усулида фойдаланилган билвосита харажатлар;

$DC_2$  ва  $IC_2$  – биринчи, иккинчи даволаш усулида фойдаланилган бевосита ва билвосита харажатлар.

3-жадвал

**Стационар шароитида Иценко-Кушинг касаллигини дори воситалари билан даволашда битта бемор учун “Харажатларни минималлаштириш таҳлили”**

Сарф-харажатлар таҳлили	Даволаш усуллари	
	Биринчи усул	Иккинчи усул
	“Каберголин” таблеткаси, 0.5 мг, 24 дона, 250000 сўм, Россияда ишлаб чиқарилган, Обнин кимё-фармацевтика корхонаси, Россия	“Достинекс” таблеткаси (ХПН –Каберголин) 0.5 мг, 8 дона, 130000 сўм, Италияда ишлаб чиқарилган, Pfizer Italia S.r.l., Италия
Бевосита харажатлар	1 000 000	1 560 000
Билвосита харажатлар	1 380 000	1 380 000
Жами	2 380 000	2 940 000
Фарқи		560 000

**МУҲОКАМА.** Стационар шароитда Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт марказида бир нафар бемор учун “Касалланиш қиймати таҳлили” ҳисоблаб

чиқилди. Унга кўра 1 нафар беморнинг касалланиш қиймати 7 097 000 сўмни ташкил қилди. Бунда бевосита ҳаражатлар – 5 717 000 сўмни, билвосита ҳаражатлар эса – 1 380 000 сўмни ташкил қилди. Иценко–Кушинг касаллигини дори воситалар билан даволашда қўлланиладиган дори воситалари учун “Ҳаражатларни-минималлаштириш таҳлили” амалга оширилганда биринчи усулда “Каберголин” таблетка 0,5 мг № 24, Обнин кимё-фармацевтика корхонаси (Россия) даволаш сарф-ҳаражатлари таҳлилида биринчи усулда бевосита ҳаражатлар – 1 000 000 сўмни, билвосита ҳаражатлар – 1 380 000 сўмни, умумий 2 380 000 сўмни ташкил қилди. Иккинчи усулда “Достинекс” таблетка 0,5 мг №8, *Pfizer Italia S.r.l.* (Италия) даволаш сарф-ҳаражатлари 1 560 000 сўм ва 1 380 000 сўмни, жами 2 940 000 сўмни даволаш сарф ҳаражатлар ташкил қилди. Бунда даволаш усулларидаги фарқ 560 000 сўмни ташкил қилди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мирсаидова У.А. АКТГ га боғлиқ Кушинг синдроми қайталанишининг клиник-гормонал аспектларини оптималлаштириш.: Автореферат. Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори. Тошкент, 2021. 54 б.

2. Марова Е.И, Манченко О.В, Воронцов А.В, Гончарова Н.П, Колесникова Г.С. Опыт радиохирургического лечения пациентов с болезнью Иценко-Кушинга без выявленной аденомы гипофиза// Проблемы эндокринологии. – 2008. №3. – С. 21-27.

3. Халимова З.Ю., Мирсаидова У.А., Кайыпназарова Г.Б., Мирсаидова М.А. Мониторинг тенденций диагностики и лечения синдрома Кушинга // Журнал «Биомедицина ва амалиёт». Спец. выпуск. 2020 г. – С. 289-297 (14.00.00; №24).

4. *Hammer GD, Tyrrell JB, Lamborn KR, Applebury CB, Hannegan ET, Bell S, Rahl R, Lu A, Wilson CB 2004 Transsphenoidal microsurgery for Cushing’s disease: initial outcome and long-term results. J Clin Endocrinol Metab 2004. – pp.89:6348–6357.*

5. Суюнов Н.Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания // Монография. – Ташкент. Фан, – 2013. – С. 185-188.

## ФАРМАКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ СИНДРОМА КУШИНГА

*Аннотация.* Был рассчитан и изучен стоимость лечения синдрома Иценко-Кушинга в Республике Узбекистан на основании данных Республиканского специализированного научно-практического эндокринологического медицинского центра имени Ё.Х.Туракулова.

*Ключевые слова:* синдром Иценко-Кушинга, нейрохирургический метод лечения, эндоскопическая трансназальная аденоэктомия, мультитициклический аналог соматостатина, каберголин, кетоканазол, мифепристон.

## PHARMACOECONOMIC ANALYSIS OF METHODS OF TREATMENT OF CUSHING'S SYNDROME

*Summary.* The costs of treatment of Itsenko-Kushing's syndrome in the Republic of Uzbekistan are either calculated and studied on the basis of the data of the Republican specialized scientific-practical Endocrinology Medical Center named after Turaqulov E.X.

*Key words:* Itsenko-Kushinga syndrome, neurosurgical treatment method, endoscopic transnasal adenoectomy, multiligand analogue of somatostatin, cabergoline, ketocanazole, mifepristone.

**Фармацевтические науки**

**УДК 615.012.8:615.322**

**Сафарова Диёра Толибовна**

*Ассистент кафедры «Промышленной технологии лекарственных средств» Ташкентского фармацевтического института,  
г.Ташкент*

**Назарова Зарифа Алимджановна**

*Д.фарм.н, профессор кафедры «Технологии лекарственных форм»  
Ташкентского фармацевтического института,  
г.Ташкент*

**Мадрахимов Шермухаммади Нуруллаевич**

*Д.фарм.н, доцент кафедры «Биотехнологии»  
Ташкентского фармацевтического института,  
г.Ташкент*

**СОЗДАНИЕ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ  
ПРОТИВОГИПЕРТЕНЗИВНОГО ДЕЙСТВИЯ НА ОСНОВЕ СЫРЬЯ  
РАСТИТЕЛЬНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ**

**Аннотация.** *Лекарственные средства растительного происхождения также эффективны, как и синтетические. Однако лекарственные растения и препараты выгодно отличаются от своих синтетических аналогов сродством к тканям организма, малой токсичностью и доступностью. Они являются ценным сырьём для профилактики и лечения различных заболеваний, в том числе и гипертонических. В данной работе приведены результаты исследований по подбору состава на основе местного растительного сырья противогипертензивного действия для дальнейшей разработки новых эффективных БАД в виде лечебного бальзама. В качестве объекта исследования взято лекарственное растительное сырьё следующих местных растений: мята перечная, пустырник сердечный, валериана лекарственная, мелисса лекарственная, боярышник кроваво-красный, шиповник коричный и столбики с рыльцами кукурузы. Из них получены жидкие экстракты методом перколяции. Из жидких экстрактов получены сухие экстракты методом распылительной сушки для дальнейшего качественного и количественного определения действующих веществ.*

**Ключевые слова:** гипертония, растительное сырьё, бальзам, сухой экстракт.

**ВВЕДЕНИЕ.** Несмотря на значительный прогресс науки в области разработки новых эффективных лекарственных средств для лечения артериальной гипертензии, наблюдается рост данного заболевания [1].

В настоящее время одним из основных направлений современной фармацевтической отрасли является поиск и создание эффективных лекарственных средств природного растительного происхождения для расширения ассортимента отечественных препаратов противогипертензивного действия.

**Целью исследования** является разработка лекарственных препаратов (экстрактов для дальнейшего приготовления бальзама) противогипертензивного действия на основе лекарственного растительного сырья.

В качестве объектов исследования были взяты листья мяты перечной (*folium Menthae piperitae L.*), корневища с корнями валерианы (*rhizoma et radices Valerianae officinalis L.*), плоды шиповника (*fructus Rosae cinnamomae L.*), надземные части Melissa лекарственной (*herba Melissa officinalis L.*), трава пустырника сердечного (*herba Leonuri cardiacaе L.S.L.*), столбики с рыльцами кукурузы (*Styli cum Stigmatibus Zeae maydis L.*), плоды боярышника кроваво-красного (*fructus Crataegus sanguineaе Pall.*).

На фармацевтическом рынке страны для профилактики и лечения гипертонической болезни имеется широкий ассортимент синтетических и фитопрепаратов, применяющихся в виде таблеток, капсул, сборов, порошков, настоек, водных извлечений (настоев и отваров) и других лекарственных форм. Анализ литературных источников показал наличие большого количества лекарственных средств, применяющихся для лечения сердечно-сосудистых заболеваний. Для лечения и профилактики гипертонии также имеются лекарственные средства на основе лекарственного растительного сырья, приготовленных в разных комбинациях и увеличивающих их фармакологическую эффективность [2, 3]. В этой связи важное значение имеет расширение ассортимента ЛС с высокой терапевтической эффективностью, безвредных и экономически доступных, производимых на основе растительного сырья на отечественных фармацевтических предприятиях.

**МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ.** В результате проведенного сравнительного анализа лекарственных противогипертензивных средств отечественных, стран независимых государств (СНГ) и зарубежных производителей, зарегистрированных в Государственном реестре № 25 (2021 года) Республики Узбекистан установлено следующее: отечественных всего зарегистрировано 3124 наименований лекарств, из них 85 препаратов противогипертензивного действия и это составляет 2,72% от общего количества. Если 85 наименований антигипертензивных препаратов принять за 100%, то из них лекарственные формы в виде таблеток составляют 58%, инъекционные растворы-21%, лекарственное растительное сырьё-18%, порошки, капсулы и капли-1% [4].

В Государственном реестре лекарственных средств и медицинских изделий республики Узбекистан за №25 2021 года зарегистрировано 1842 наименования лекарственных препаратов производителей стран независимых государств (СНГ); из них 73 наименования лекарств противогипертензивного действия, которые составляют 3,95% от общего количества. Причем антигипертензивные препараты в виде лекарственной формы таблетки составляют 82% (59 наименований), инъекционные растворы-8,2% (6 наименований), капли-2,7% (3 наименования).

В Государственном реестре лекарственных средств и медицинских изделий (2021 г.) зарегистрировано 5304 лекарственных средств зарубежных производителей, из них 215 наименований лекарств противогипертензивного действия, которые составляют 3,95% от общего количества препаратов. Из 4% наименований гипертензивных препаратов 94% (200 наименований)- это таблетки, 4% (8 наименований)- капсулы; 2% (5 наименований)-растворы [4].

Из представленных результатов исследований можно сделать следующее заключение, что из лекарственных форм, выпускаемых производителями для лечения гипертензивного заболевания значительную часть (85-94%) занимают таблетки, так как таблетки, как дозированная лекарственная форма, наиболее удобны для приёма внутрь, особенно для больных пожилого возраста, имеющие повышенное артериальное давление. После таблеток на втором месте находятся инъекционные растворы, составляющие 8,2%. Это объясняется необходимостью быстрого оказания помощи при гипертонических кризах, т.е. при внезапном повышении кровяного давления. На третьем месте находятся капли, растворы, сиропы для приема внутрь, которые составляют около 2% от

общего количества лекарственных средств для лечения артериальной гипертонии.

Проведенный сравнительный анализ ассортимента лекарственных противогипертензивных средств отечественных, зарубежных производителей, а также производителей стран СНГ, зарегистрированных в Государственном реестре РУз за 2021 год для лечения артериальной гипертонии является основой формирования рационального ассортиментного состава создаваемых новых лекарственных средств. Анализ по производителям также показал, что большая часть лекарственных средств антигипертензивных средств зарегистрирована зарубежными фирмами (94-96%), а на долю отечественных производителей лекарственных средств приходится всего 4% [4].

В условиях экологического неблагополучия перспективным направлением является коррекция состояний дезадаптации с использованием лекарств мягкого, пролонгированного действия, особенно иммуномодулирующих средств, обеспечивающих нейтрализацию токсических веществ. Использование бальзамов имеет исторические корни и является адекватным профилактическим и комплементарным методом в сложных условиях окружающей среды

Основываясь на достижениях предшественников, используя сырьевую базу республики, создана оригинальная пропись из 7 компонентов для приготовления фитоадаптогенного бальзама, содержащего безопасные виды растений

При создании противогипертензивного лекарственного средства (экстрактов и в дальнейшем бальзама) нами были использованы лекарственные растения, часто применяемые в таких составах и имеющие достаточные запасы в республике [3].

Выбранные растительные средства для снижения артериального давления- это, как правило, растения с широким спектром воздействия, в том числе, на пищеварительные и выделительные органы.

Снижение артериального давления фармакологическими препаратами, блокирующими механизм подъема АД является средством очень важным для улучшения состояния больного, для снижения риска сердечно-сосудистых осложнений. Однако, фитотерапия является хорошим дополнением к фармакотерапии, т.к. улучшает состояние пищеварительных (желудок, поджелудочная железа, печень, желчный пузырь) и выделительных (почки, кишечник) органов.

Сухие экстракты получают из лекарственных средств двумя способами. В первом способе процесс состоит из 4 х стадий [5]:

- получение вытяжки;
- очистка вытяжки;
- сгущение вытяжки;
- высушивание сгущённой вытяжки.

Во втором способе процесс получения сухих экстрактов проводится без стадии сгущения вытяжки, включает 3 стадии;

- получение вытяжки;
- очистка вытяжки;
- высушивание жидкой вытяжки.

Высушивание жидкой вытяжки проводят в распылительных или сублимационных (лиофильных) сушилках.


**РЕЗУЛЬТАТЫ.** Технологию получения вытяжки из лекарственного растительного сырья проводили по первому способу. При получении сухого экстракта из лекарственного растительного сырья необходимо было выбрать оптимальные условия экстрагирования. Нами разработаны технологии получения сухого экстракта семи компонентов из каждого лекарственного растительного сырья, приведенных выше. Ниже мы приводим в качестве примера технологию получения сухого экстракта из листьев мяты перечной. Были изучены факторы, влияющие на процесс экстракции: из научных литературных данных известно, что БАВ, в частности, флавоноиды высвобождаются максимально 70% этиловым спиртом, а также учитывая, что сопутствующие вещества, усиливающие терапевтическую активность БАВ экстрагируются водой, в качестве экстрагента нами выбраны 70% этиловый спирт и вода очищенная. При изучении степени измельчения сырья были взяты такие, как 2 мм, 3-5 мм, 5-8 мм и 8-11 мм. Для максимального выделения флавоноидов оптимальной степенью измельчения оказалась 5-8 мм. Следующим немаловажным фактором является действие температуры на процесс экстрагирования и оптимальной температурой оказалась 60-70°C. Для очистки вытяжки взяли гексан, так как вытяжка была самой прозрачной, чем при очистки хлороформом или ацетоном.

**Технология.** В экстрактор помещают 10 кг измельченные до 5-8 мм сырья, добавляют 70% этиловый спирт до образования зеркального слоя и герметически закрыв нагревают до температуры 60-70°C и оставляют на 4 часа для набухания. По истечении указанного времени сливают вытяжку в

количестве равной 10-кратному объему по отношению к сырью. Во второй раз добавляют воду очищенную до образования «зеркала» и оставляют на 4 часа, затем сливают вытяжку. Эту операцию повторяют еще один раз. Полученные вытяжки объединяют. Объединенные вытяжки фильтруют через многослойную ткань. Отфильтрованную и разделенную на части вытяжку упаривают при 40-50<sup>0</sup>С в вакуум-роторном испарителе. Сгущенную вытяжку высушивают в распылительной сушилке German MCGS при следующих технических параметрах:

- объем испарения до 2000 мл/час;
- расход пробы от 50 до 2000 мл в час;
- температура воздуха на входе – 185<sup>0</sup>С ± 1<sup>0</sup>С;
- температура воздуха на выходе-61,3<sup>0</sup>С ±1<sup>0</sup>С;
- расход воздуха до 70 м<sup>3</sup>/ч (максимум 330 м3/ч); давление 686 Па;
- диаметр сопла 0,5 мм. Форсунка для внутреннего смешивания, другие размеры форсунок доступны в качестве опции;
- закрытие инжектора – автоматическое;
- диаметр получаемых частиц 10 - 100 мкм;
- время контакта продукта с горячим воздухом 1-1,5 сек;
- интерфейс: английский/китайский;
- управление- ручное/автоматическое;
- шум <60 дБ;
- мощность-3,8 кВт;
- электрическое подключение - 220 В, 50/60 Гц [6, 7].

Технологическая схема получения экстракта сухого из растительного сырья на примере *Folium Menthae Piperitae L.* приведена на рисунке 1.



**Рис. 1. Технологическая схема получения экстракта сухого из растительного сырья**

На основе этой технологической схемы также получали сухие экстракты из вышеуказанных растительных сырьевых источников.

В качестве одного из основных технологических параметров процесса сушки определена температура распылительной сушки на входе из экстрактов ЛРС, которая приведена в таблице 1.

Таблица 1

**Температура распылительной сушки на входе из экстрактов ЛРС**

№	Название экстракта	Температура распылительной сушки на входе
1	Экстракт травы пустырника – <i>Extractum herbae Leonuri</i>	180°C
2	Экстракт листьев мяты перечной – <i>Extractum Menthae</i>	185°C
3	Экстракт столбиков с рыльцами кукурузы – <i>Extractum Styli cum Stigmatis Zeae</i>	165°C
4	Экстракт плодов боярышника кроваво-красного – <i>Extractum fructus Crataegus</i>	189°C
5	Экстракт плодов шиповника коричневого – <i>Extractum fructus Rosae</i>	172°C
6	Экстракт листьев Melissa – <i>Extractum folium Melissa</i>	190°C
7	Экстракт корневища с корнями валерианы лекарственной – <i>Extractum rhizomatis et radices Valerianae</i>	185°C

Экстракты сухие лекарственного растительного сырья как объекты исследования готовили в условиях лаборатории в соответствии с требованиями общей фармакопейной статьи «Экстракты» ГФ XI изд, вып.2 и ГФ РФ XIII изд. Показатели качества экстрактов сухих проводили согласно фармакопейным статьям, определяли:

- описание;
- потерю в массе при высушивании;
- влажность;
- тяжелые металлы.

**Определение тяжелых металлов.** К 1 г сухого экстракта прибавляли 1 мл концентрированной серной кислоты, осторожно сжигали и прокаливали. Полученный остаток обрабатывали при нагревании 5 мл насыщенного раствора аммония ацетата. Фильтровали через беззольный фильтр, промывали 5 мл воды и доводили объем фильтрата до 200 мл. 10

мл полученного раствора должны выдерживать испытание на тяжелые металлы (не более 0,01% в препарате) (ГФ XI, вып. 2, С.161.)

Испытание на соли тяжелых металлов. Растворы солей свинца в зависимости от концентрации образуют с растворами сульфида натрия черный осадок или бурое окрашивание раствора. 0,0005 мг (0,5 мкг) свинец иона в 1 мл раствора дают при этой реакции при наблюдении в слое толщиной от 6 до 8 см заметное буроватое окрашивание раствора (предел чувствительности) (ГФ XI, вып.1, с.171-172). В сухих экстрактах содержание тяжелых металлов было не 0,01%.

Определение тяжелых металлов в полученном растворе препаратов 10 мл раствора испытуемого препарата, приготовленного как указано выше, прибавляли 1 мл разведенной уксусной кислоты, 2 капли раствора сульфида натрия, перемешивали и через 1 минут сравнивали с эталоном, состоящим из 1 мл эталонного раствора. К такого же количества реактивов прибавлено к испытуемому раствору и 9 мл воды.

Наблюдение окраски проводят по оси пробирок диаметром около 1,5 см, помещенных на белой поверхности. В сравниваемых растворах допустима лишь слабая опалесценция от серы, выделяющейся из сульфида натрия.

Следующим этапом исследований явилась оценка качества. Полученные сухие экстракты были проанализированы по качественным показателям при температуре  $20 \pm 2^\circ\text{C}$ , относительной влажности 67,0% в институте Химии растительных веществ АН РУз [8, 9] результаты исследований приведены в таблице 2.

Таблица 2

**Результаты изучения качественных показателей полученных сухих экстрактов**

№	Наименование сухого экстракта растения	Качественные показатели полученных сухих экстрактов			
		Внешний вид	Потеря в массе при $105^\circ\text{C}$ , %	Плотность, $\text{г/см}^3$	Влажность %
1	Экстракт листьев мяты перечной сухой	Порошок зеленовато-желтого цвета с запахом ментола	3,92	0,59	3,6
2	Экстракт корневища с корнями валерианы сухой	Порошок желто-коричневого цвета с			

		характерным запахом	5,0	0,60	3,8
3	Экстракт плодов шиповника коричневого сухой	Порошок коричневого цвета со слабым характерным запахом	4,9	0,65	4,5
4	Экстракт надземных частей мелиссы лекарственный сухой	Порошок зеленовато-желтого цвета со специфическим запахом	4,28	0,62	4,2
5	Экстракт травы пустырника сердечного сухой	Порошок желтоватого цвета со специфическим запахом	5,1	0,62	3,8
6	Экстракт столбиков с рыльцами кукурузы сухой	Светло желтоватый порошок с характерным запахом	4,5	0,64	4,2
7	Экстракт плодов боярышника кроваво-красного сухой	Порошок коричневого цвета с характерным запахом	4,48	0,66	4,0

Полученные сухие экстракты из лекарственных растений по качественным показателям отвечают требованиям, предъявляемым НД к сухим экстрактам из ЛРС.

**ОБСУЖДЕНИЕ.** В настоящее время разработано и широко используется значительное количество препаратов противогипертензивного действия синтетического и растительного происхождения. Сравнительный анализ, проведенный нами согласно Государственного реестра за 2021 год показал, что среди зарегистрированных лекарств в РУз препараты противогипертензивного действия составляют всего 3%. Причём, согласно литературных данных, наблюдается рост данного заболевания. Поиск и создание эффективных лекарственных средств противогипертензивного действия является

актуальным. С целью создания таких препаратов подобран состав композиции, состоящей из семи местного растительного сырья: мята перечная, валериана лекарственная, боярышник проваво-красный, мелисса лекарственная, шиповник коричный, пустырник сердечный, столбики с рыльцами кукурузы. Из сырья вышеперечисленных лекарственных растений нами приготовлены жидкие экстракты методом перколяции, но в разных соотношениях между сырьем и экстрагентом (см. таблицу). Затем из полученных жидких экстрактов были приготовлены сухие экстракты в отдельности с помощью распылительной сушки для дальнейшего их качественного анализа. После количественного определения содержащихся в них действующих веществ будут рекомендованы для получения лекарственного бальзама противогипертензивного действия.

**ВЫВОДЫ.** Исходя из вышеизложенного актуальным решением будет возможность получения препаратов противогипертензивного действия путем рационального сочетания приведенных лекарственных растительных сырья в установленных соотношениях компонентов с последующим исследованием их фармако-токсикологических свойств.

#### **ЛИТЕРАТУРА.**

1. Фомина И.Г. Атериальная гипертензия: клиника, диагностика, лечение. Справочник / И.Г.Фомина, А.Е. Брагина.-М.: МЦФЕР, 2004. – С. 336.
2. Прокопенко М.В. Увеличение эффективности применения фитопрепарата «Лесной бальзам» в заболеваний пародонта // Новые задачи современной медицины. Матер. междунар.науч.-практ. конф. СПП.: 2014. – С. 61-64.
3. Холматов Х.Х., Ахмедов Ў.А. Фармакогнозия. Учебное пособие. Т1.; 2007. – С. 111-272; 180-182.
4. Государственный реестр Республики Узбекистан № 25.Т. – 2021.
5. Технология ликив промислового виборництва: подруч. для студ.вищ.навч.закл.: в 2-х ч. / В.И. Чуешов, С.В. Гладух, И.В. Сайко та ин.-Х.: НФАУ: Оригинал. 2012. – Ч.И. – С. 704.
6. Сафарова Д.Т., Мадрахимов Ш.Н. Махаллий ўсимлик хом ашёлари асосида гипертонияда қўлланиладиган йиғма таркибини ўрганиш // Фармацетика журнали. 2021. -№ 2. 86-92 б.
7. Сафарова Д.Т. Разработка технологии получения сухого экстракта из корневища с корнями валерианы лекарственной (*extractum rhizoma yet radidis Valerianae*) // Проблеми та перспективи реалізації та впровадження

міждисциплінарних наукових досягнень 3 червня 2022 рік м. Луцьк, Україна. – С. 317-318.

8. Сафарова Д.Т Раззокова Н.Ў. Доривор лимонўт ўсимлигидан пуркаб куриткич ускунаси ёрдамида куруқ экстракт олиш // “Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар. ИВ халқаро илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами Тошкент-2021. 91-92 б.

9. D.T.Safarova, Sh.N. Madrakhimov. Development of technology for obtaining dry extract from raw material's corn (Styli cum stigmatis zea maydis) V international scientific and practical conference // “Abu Ali ibn Sino and innovations in modern pharmaceuticals”. Tashkent city, Republic of Uzbekistan May 21 th, 2022. – P. 52.

### **CREATION OF HYPERTENSIVE DRUGS BASED ON RAW MATERIALS OF PLANT ORIGIN**

*Summary.* Herbal medicines are just as effective as synthetic ones. However, medicinal plants and preparations compare favorably with their synthetic analogues by their affinity for body tissues, low toxicity and availability. They are a valuable raw material for the prevention and treatment of various diseases, including hypertensive ones. This paper presents the results of studies on the selection of the composition, based on local plant materials, used antihypertensive action for the further development of new effective dietary supplements in the form of a therapeutic balm. As an object of study, medicinal plant raw materials from 7 components of domestic plants were taken: Liquid extracts were obtained from them separately. From the obtained liquid extracts, dry extracts were made by spray drying for further qualitative and quantitative determination of active substances.

**Key words:** hypertension, herbal raw materials, balm, dry extract.

### **ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИДАН ГИПЕРТОНИЯГА ҚАРШИ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН ПРЕПАРАТНИ ЯРАТИШ**

*Аннотация.* Ўсимлик маҳсулотларидан олинган препаратлар биосамарадорлиги синтетик препаратларникидан қолишмайди. Ўсимлик хом ашёлари ва улардан олинган препаратлар синтетик аналогларидан тана тўқималарига яқинлиги, кам токсиклиги ва кенг қўлланилиши билан

фарқ қилади. Улар турли касалликлар, жумладан, гипертония касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун зарурий маҳсулот ҳисобланади. Ушбу ишда доривор балзам кўринишидаги янги самарали биологик фаол қўшимчаларини янада ривожлантириш учун антигипертензив таъсирга эга маҳаллий ўсимлик хом ашёларини танлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида 7 хил маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан суюқ экстрактлар олинган. Олинган суюқ экстрактлардан пуркагичли қуритгичда кейинги сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш учун қуруқ экстракт олинди.

**Калит сўзлар:** гипертония, ўсимлик хом ашёси, балзам, қуруқ экстракт.

УДК: 615.015.577.164

Туреева Галия Матназаровна

*Ф.ф.н., Дори турлари технологияси кафедраси доценти,  
Ташкент фармацевтика институти, Ташкент ш.*

Кодирова Хосият Шавкат кизи

*Дори турлари технологияси кафедраси ассистенти,  
Ташкент фармацевтика институти, Ташкент ш.*

## ТАРКИБИДА МЕТРОНИДАЗОЛ ВА ДАЛАЧОЙ МОЙИ САҚЛОВЧИ СТОМАТОЛОГИК ПОЛИМЕР ПАРДАЛАРНИНГ МУЪТАДИЛ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

*Аннотация.* Метронидазол ва далачой мойли экстракти таркибли мажмуавий стоматологик полимер пардаларнинг мўътадил технологик вариантини танлаш мақсадида бир неча вариантлар ўрганиб чиқилди. Таклиф этилган мўътадил таркиб ва технология бўйича шакллантирилган полимер пардалардаги фаол моддаларнинг миқдорий таҳлили қилинди. Олинган мажмуавий полимер пардаларнинг биосамарадорлиги *in vitro* усулида ўрганилди.

**Калит сўзлар:** метронидазол, далачой мойи, стоматологик пардалар, технологик вариант, биосамарадорлик, миқдорий таҳлил.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонида импорт ўрнини босадиган маҳаллий дори-дармон воситаларни ишлаб чиқариш ва республика аҳоли эҳтиёжини максимал даражада қоплаш масаласининг долзарблиги кўрсатиб ўтилган.

Стоматология амалиётида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳаллий дори воситаларини ассортиментини кенгайтириш республикамиз учун дол-зарб масаладир, чунки ҳозирда стоматологик дори воситалари асосан МДХ ва хорижий давлатлардан импорт қилинганлиги кўрсатилди [1].

Стоматологик касалликларни даволашда полимер пардалар шаклида фаол моддаларни қўллаш уларнинг таъсирини узайтирилганлиги, салбий таъсири камайтирилганлиги ва терапиянинг самарадорлигини ошганлиги

ҳақида маълумотлар келтирилган [2, 3, 4, 5]. Ҳозирда Россия Федерациясида рўйхатдан ўтган ва ишлаб чиқариш бўйича 12 та патентга эга “Диплен-Дента” стоматологик пардалари «Норд-Ост» компанияси томонидан ишлаб чиқарилади ва кенг қўлланилиб келинмоқда [6, 12]. Стоматологик пардаларда фақат синтетик моддалар эмас, балки экстракцион препаратлар ҳам ишлатилиши терапия самарадорлигини оширишга имкон бериши кўрсатилган [3, 4, 7, 8].

Стоматология амалиётида кенг қўлланиладиган доривор компонентлар қаторидан метронидазол ва далачай ўсимлигининг ажратмалари ўрин олган. Далачай препаратлари биологик фаол моддалар (флавоноидлар, ошловчи моддалар, эфир мойлари, В гуруҳдаги витаминлар, аскорбин кислотаси, каротин) билан бой бўлганлиги сабабли стоматологияда стоматитни, гингивитни, оғиз бўшлиғи шиллик қаватларини яллиғланишларини даволашда, тўқималарни регенерациясини тезлатувчи воситаси сифатида кенг қўлланилади. Далачайнинг мойли экстракти оғиз шиллик қаватининг яллиғланиш касалликларини даволаш учун ишлатилади: гингивит, стоматит, глоссит, периодонтал касаллик [9, 10].

Метронидазол стоматологияда кенг қўлланиладиган доривор моддалардан биридир ва терапевтик таъсирининг кенг доирасига эга эканлиги тасдиқланган [9, 11].

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мажмуавий, таркибида далачай мойли экстракти ва метронидазол сақловчи мажмуавий стоматологик пардаларнинг технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланди. Дастлаб ўтказилган тадқиқотларда ушбу мажмуавий далачай мойини ва метронидазол таркибли стоматологик полимер пардаларда фаол компонентларнинг мўътадил концентрацияси асосланди ва полимер массанинг мўътадил таркиби ишлаб чиқилди [12].

**УСУЛЛАР.** Далачай мойи ва метронидазол сақловчи стоматологик полимер пардаларни ҳосил қилиш учун полимер массанинг қуйидаги мўътадил таркиби таклиф этилди: Далачай мойи-2,0; Метронидазол-0,08; NaКМЦ-2,0; Глицерин-2,0;. Тозаланган сув 100,0 г гача [12]. Тадқиқотларда ХК “Natek“ (Ўзбекистан) томонидан ишлаб чиқарилган ва Ts17435759-02:2015 жавоб берувчи далачай мойи, *European Pharmacopoeia 8<sup>th</sup> Edition* -01/2008:0675 талабларига жавоб берувчи метронидазол, ҳамда *European Pharmacopoeia 3<sup>rd</sup> Edition*-1997. P.1146 талабига жавоб берувчи Na-КМЦ қўлланилди. Мазкур тадқиқотлар

мақсадини ушбу стоматологик пардаларнинг мўътадил технологик вариантини ишлаб чиқиш, уларнинг таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг миқдорий таҳлилини ўтказиш ва пардаларнинг биосамарадорлигини ўрганиш ташкил этди. Бунинг учун полимер массаларни олиш ва пардаларни шакллантиришнинг 3 та технологик вариантлари ўрганилди. Мўътадил технологик вариантга кўра шаклланган фитопардаларнинг, МХда ва адабиётларда келтирилган усуллар бўйича, физик-механик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларига асосланиб танланди [13, 14].

Фитопардалар таркибидаги биофаол моддаларнинг (флавоноидлар ва метронидазолнинг) миқдорий таҳлили ўтказишда спектрофотометрия ва ЮССХ усулларида кўлланилди. Таҳлил шароитлари чоп этилган [15].

Фитопардаларни биофармацевтик томонидан баҳолашда И.В.Алексеева томонидан ишлаб чиқилган усулдан фойдаланилди [16].

**НАТИЖАЛАР.** Юқорида келтирилган таркиб бўйича полимер массаларнинг 3-та технологик вариантларлари ўрганилди. Бунда ҳар бир вариант полимер массага компонентларни киритиш кетма-кетлиги билан фарқланган. Шакллантирилган фитопардаларнинг ўрганилган кўрсаткичлари ва олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Олинган натижаларига кўра барча технологик вариантлар бўйича олинган фитопардаларнинг рН кўрсаткичларида сезиларли фарқ кузатилмади. Эриш вақти ва ташқи кўриниши кўра 3-вариант бўйича олинган фитопардалар энг яхши натижаларни намоён этди. 2 ва 1 – вариантлар бўйича олинган фитопардалар юзасида айрим ҳаво пуфакчалари мавжуд эканлиги аниқланди. Ундан ташқари, 2-технологик вариант бўйича олинган фитопардаларнинг қолипдан кўчиши осон бўлмади.

1-жадвал

**Турли вариантлар бўйича олинган далачой мойи ва метронидазол сақловчи фитопардалар кўрсаткичлари**

Вариантлар	Ташқи кўриниши	Қолипдан кўчиши	Эриш вақти, дақ.	рН
1	Оч сариқ рангли, тиниқ, эластик парда, юзасида ҳаво пуфакчалари мавжуд	Қолипдан осон кўчди	25	6,7
2	Оч сариқ рангли, тиниқ, эластик парда, юзасида ҳаво пуфакчалари мавжуд	Қолипдан қийин кўчди	22	6,8

3	Оч сарик рангли, тиниқ, эластик парда, механик заррачалари ва ҳаво пуфакчалари йўқ	Қолипдан осон кўчди	15	6,7
---	--	---------------------	----	-----

Шунга асосланиб, 3-вариант мўътадил деб танланди ва унинг технологик тасвири 1-расмда келтирилган.

Фитопардалар таркибидаги биофаол моддаларнинг миқдорий таҳлили ишлаб чиқилган методика бўйича юқори самарали суюқлик хроматография усулида ўтказилди [15]. Фитопардалар таркибидаги метронидазол миқдори (мг/г) қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланди:


$$x = \frac{D * a_0 * 50 * 1 * 50 * 1 * 1000}{D_0 * a_1 * 50 * 1 * 50 * 10}$$

бунда:

D – текширилувчи эритманинг майдони;

D<sub>0</sub> – стандарт намунасининг майдони;

a<sub>0</sub> – стандарт намуна массаси, г.



**1-расм. 3- технологик вариант бўйича метронидазол ва далачой мойи сақловчи фитопардаларни олинишнинг технологик тасвири**

$a_1$  – текширилувчи намуна.

Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Фитопардалар таркибидаги рутин флавоноидларнинг (мг/г) миқдори куйидаги тенглама бўйича ҳисобланди:

$$\frac{a_1 - a_2}{a_3 - a_4} \cdot 100 = X$$

$$x = \frac{D * a_0 * 50 * 25 * 1000}{D_0 * a_1 * 25 * 25 * 100}$$

бунда:

$D$  – текширилувчи эритманинг майдони;

$D_0$  – стандарт намунасининг майдони;

$a_0$  – стандарт намуна массаси, g;

$a_1$  – текширилувчи намуна.

Таҳлил натижалари 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Фитопардалар таркибидаги метронидазолни ва флавоноидларни  
микдорий таҳлил натижалари**

№, n=5	Фитопардалардаги метронидазол микдори, мг/г	Метрологик тавсиф	
1	15,1335	$X_{\text{ўрт}} = 15,1220;$ $S^2 = 0,0302;$ $S = 0,1739;$ $S_x = 0,0294;$ $P = 95\%;$	$t(P,f) = 2,78;$ $\Delta X = 0,0817;$ $\Delta X_{\text{ўрт}} = 0,0365;$ $E = 0,540\%;$ $\bar{E} = 2,415\%$
2	15,1612		
3	15,1024		
4	15,0954		
5	15,1179		
№, n=5	Фитопардалардаги флавоноидлар микдори, мг/г	Метрологик тавсиф	
1	16,1833	$X_{\text{ўрт}} = 16,5073;$ $S^2 = 0,3756;$ $S = 0,6128;$ $S_x = 0,4186;$ $P = 95\%;$	$t(P,f) = 2,78;$ $\Delta X = 1,1637;$ $\Delta X_{\text{ўрт}} = 0,5204;$ $E = 7,049\%;$ $\bar{E} = 3,152\%$
2	17,0763		
3	16,1401		
4	16,6898		
5	16,4474		

Фитопардаларнинг биофармацевтик томонидан баҳолашда И.В.Алексеева томонидан ишлаб чиқилган усулдан фойдаланилди [16]. Бунда фитопардалардан метронидазолни ва флавоноидларни (рутинга нисбатан) ажралиб чиқиш кинетикасига бўйича уларга баҳо берилди. Диализ муҳити сифатида 50 мл тозаланган сувдан фойдаланилди ва уни ҳарорати термостат ёрдамида 37°C таъминланиб турилди. Диализатдан намуналар 5 мл ҳажмда ҳар 30 дақиқада 3 соат давомида олинди. Намуналардаги метронидазолнинг ва флавоноидларнинг микдори спектрофотометрик усулда аниқланди. Таҷриба натижалар 3-жадвалда келтирилган.

**МУҲОКАМА.** Метронидазол ва далачай мойини ва сақловчи фитопардалар тайёрлашнинг турли технологик вариантлари ўрганилди ва улардан мўътадил технологик жараёни танлаб олинди.

Мўътадил таркиб ва технология бўйича олинган фитопардалар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдорий таҳлили ўтказилди. Олинган натижаларга статистик ишлов берилди. Таклиф этилган усул метрологик тавсифи бўйича талабга жавоб беради.

Таклиф этилган фитопардалардаги фаол моддаларнинг биосамарадорлиги *in vitro* усулида ажралиб чиқиш кинетикаси бўйича ўрганилди. Олинган натижаларга кўра фитопардалардан фаол моддаларни ажралиб чиқиши 3 соатдан ортиқ кузатилди. Бунда метронидазолнинг максимал ажралиб чиқиши 90 дақиқада, флавоноидларники эса – 120 дақиқада кузатилди.

3-жадвал

**Фитопардалар таркибидаги метронидазолни ва флавоноидларни фитопардалардан ажралиб чиқиш кинетикаси**

Экспозиция вақти, дақ.	Диализ муҳитига ажралиб чиққан фаол моддалар, %	
	Метронидазол	Флавоноидлар ( рутин)
30	31,2	26,5
60	55,7	41,3
90	60,2	46,4
120	48,3	52,3
150	39,5	49,2
180	27,9	32,1

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Гаипова Н.Н., Кариева Ё.С. Тенденции развития фармацевтического рынка стоматологических препаратов республики Узбекистан// Фармацевтический журнал. -2018. -№3. – С. 22-26.

2. Аверьянов С.В., Хайрзаманова К.А., Исхаков И.Р., Исаева А.И. Применение стоматологических пленок при заболеваниях слизистой полости рта // Успехи современной науки. - 2017. - №5. – С. 99-104.

3. Жезняковская Л.Ф., Долинина Д.Г., Оконенко Л.Б. Стоматологические пленки на основе растительных экстрактов // Фармация. – Москва. – 2012. - №7. – С. 35-37.

4. Исаева А.И., Гараева К.Л., Бонвеч А.А., Ишмакова З.Р. Стоматологические фитопленки для лечения воспалительных заболеваний

пародонта и слизистой оболочки полости рта // Патент RU №217.015. – С. 561, опубликовано 25.08.2017.

5. Сампиев А.М., Никифорова Е.Б., Соповская А.В. Современное состояние исследований в области создания стоматологических пленок // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. - №3. – С. 293-297.

6. Патент РФ № 2245710. «Способ профилактики кариеса» полимерная стоматологическая пленка «Диплен Ф». Патентообладатель АОЗТ «Норд-Ост» (Россия), 15.10.2002 г.

7. Алексеева И.В., Соловьева К.Л., Веселкова Т.А. Разработка состава, технологии и оценка качества фитопленок на основе сухих растительных экстрактов // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – №. 5. – С. 355-356.

8. Karieva E.S., Gaipova N.N., Nuridullaeva K.N. Study of the amino acid and elemental composition of the complex dry extract phytoinflam // Khimiya Rastitelnogo Syrya. - 2021. - Vol. 4. – pp. 217-223.

9. Машковский М. Д. Лекарственные средства. – 16-е изд., перераб., испр. и доп. – М.: Новая волна, - 2012. 1216 с.

10. <https://alltravnik.ru/travy/maslo-zveroboya>

11. <https://adentika.ru/preparaty/metronidazol-v-stomatologii.html>

12. Туреева Г.М., Кодирова Х.Ш. Разработка оптимального состава стоматологических лекарственных плёнок комплексного действия, содержащих масло зверобоя и метронидазол // Фармацевтика журналы. - 2020. - №.3. 68-72 б.

13. Государственная Фармакопея РФ. – 14 изд., М.: 2018. ОФС. 1.4.1. 0035.18. – Плёнки. 3262с. Электронный ресурс: <http://www.femb.ru/femb/pharmacopea.php>.

14. Лосенкова С.О., Крикова А.В. Лекарственные плёнки // Учебно-методическое пособие. Смоленск, - 2007. 46 с.

15. Туреева Г.М., Кодирова Х.Ш. Оценка качества стоматологических лекарственных плёнок комплексного действия, содержащих масло зверобоя и метронидазола. Материалы междунауч. конф. «Современная фармация: новые подходы в образовании и актуальные исследования». – Казахстан, Нурсултан, - 2021. – С. 121-123.

16. Алексеева И.В., Рюмина Т.Е., Панцуркин В.И., Одегова Т.Ф. Биофармацевтические исследования биорастворимых лекарственных

пленок с анилокаином // Хим. фарм. журн. – Москва, - 2007. - №9. – С. 49-52.

### DEVELOPMENT OF OPTIMAL TECHNOLOGY AND QUALITY ASSESSMENT OF DENTAL POLYMER FILMS CONTAINING METRONIDAZOLE AND ST. JOHN'S WORT OIL

*Summary.* In order to select the optimal technological option for complex dental polymer films containing metronidazole and St. John's wort oil extract, several technological options were studied. Methods of quantitative analysis of active substances of polymer films formed according to the proposed optimal composition and technology are proposed. The bioavailability of the obtained complex polymer films was studied by the *in vitro* method.

**Key words:** metronidazole, St. John's wort oil, dental films, technological variant, bioavailability, quantitative analysis.

### РАЗРАБОТКА ОПТИМАЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ И ОЦЕНКА КАЧЕСТВА СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ПОЛИМЕРНЫХ ПЛЁНОК, СОДЕРЖАЩИХ МЕТРОНИДАЗОЛ И МАСЛО ЗВЕРОБОЯ

*Аннотация.* Изучены несколько технологических вариантов получения стоматологических полимерных плёнок комплексного действия, содержащих метронидазол и масляный экстракт зверобоя. Проведен количественный анализ активных веществ в полимерных плёнках, сформированных по предложенной оптимальной технологии. Изучена биодоступность полученных полимерных плёнок методом *in vitro*.

**Ключевые слова:** метронидазол, масло зверобоя, стоматологические плёнки, технологический вариант, биодоступность, количественный анализ.

Фармацевтика фанлари

УДК: 615.014.615.454

Назарова Зарифа Алимджановна  
Ф.Ф.д., ДТТ кафедраси профессори,  
Тошкент фармацевтика институти,  
Тошкент ш.

Зиямухамедова Муножот Миргиясовна  
Ф.Ф.д., ДТТ кафедраси катта ўқитувчиси,  
Тошкент фармацевтика институти,  
Тошкент ш.

**ГЕЛЬ ДОРИ ШАКЛИНИ ЯРАТИШ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ  
БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР**

*Аннотация.* Гель дори турлари технологиясини ишлаб чиқиши бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар келтирилди. Гелларнинг сифатини назорат қилиши усуллари баҳоланиб, МТХдаги замонавий талаблари асосида гелларнинг сифатига таъсири кўрсатилган. Дерматологик ва стоматологик ишлаб чиқарилиши бўйича технологик хоссаларининг таҳлили ўтказилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида уларнинг сифатини баҳолаш учун технологик критерийларини тавсия этилган.

*Калит сўзлар:* гель, дисперс муҳит, рН кўрсаткич, аппликация, термо турғунлик, қовушқоқлик, консистенция.

**КИРИШ.** Фармацевтика саноатини ривожланишида замонавий технологиялар, асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда ўсимлик хом ашёлар ва синтетик моддалар асосида оригинал дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, уларнинг таркиби, технологияси, сифат кўрсаткичлари, фармакологик самарадорлиги ва турғунлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли хил фармакологик гуруҳларга мансуб гел шаклда препаратларни стандартлаш ва амалий тиббиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини, даволаш ва касалликни олдини олиш муассасаларининг хавфсиз, самарали ва иқтисодиёт томонидан арзон дори препаратлари билан таъминлашдир. Аппликацион дори турларидан “гель”

По сведениям Всемирной организации здравоохранения, треть населения планеты страдает заболеваниями связанные с понижением иммунитета. В последнее время определенную популярность при лечении заболеваний, связанных с понижением иммунитета приобрели фитопрепараты, включающие в состав эхинацею пурпурную. Это связано с тем, что препараты эхинацеи оказывают лечебное действие при различных по своему характеру патологических состояниях за счет повышения естественных защитных сил организма. Химический состав эхинацеи пурпурной богат содержанием различных классов биологически активных веществ таких как, полисахариды и сахара, производные кофейной кислоты, фенольные соединения, эфирные масла, ненасыщенные, алкиламины и др [3, 4]. Химический состав эхинацеи пурпурной выращенной в Узбекистане (ВФС 42 Уз- 4442 - 2021), также уникален и может быть использован в качестве лекарственно-растительного сырья для разработки иммуномодулирующих препаратов [5, 6]. Большинство авторов связывают иммуномодулирующее действие эхинацеи с наличием фракции полисахаридов [7, 8, 9].

**Целью** настоящего исследования явилось изучение полисахаридного состава капсулируемого вещества для получения капсул «Иммунацея».

#### **МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ:**

Состав на одну капсулу «Иммунацея»:

Сухой экстракт травы эхинацеи пурпурной (ВФС 42 Уз- 4851 - 2022)	300 мг
Микрористаллическая целлюлоза	46,5 мг
Кальция стеарат	3,5 мг
Масса содержимого одной капсулы	350 мг

Моносахаридный состав полисахарида действующего вещества капсул «Иммунацея» проводили хроматографическим методом используя хроматографическую бумагу Filtrak-FN16.11., бутанол-1-пиридин-сув (6:4:3) систему, для идентификации пятен использовали анилин фталат кислый (1 проявитель) марки «хча» и 5% раствор мочевины марки «ч». Время хроматографирования 16-18 часов.

Определение полисахаридного состава проводили следующим образом: точную навеску капсулируемого вещества полученного из травы эхинацеи пурпурной обрабатывали дважды кипящим хлороформом по 400 и 350 мл соответственно для удаления красящих и неуглеводных веществ. Остаток сырья отфильтровывали и высушивали при температуре 40-50°C на ротормном испарителе. Идентификацию выделенных соединений проводили бумажной хроматографией. Спирторастворимые сахара (СРС), выделяли двухкратным экстрагированием кипящим этанолом по 400мл и 300 мл соответственно. Полученные экстракты объединяли, упаривали и выделенные соединения идентифицировали бумажной хроматографией в качестве проявителя использовали 5%-ный раствор мочевины. Для выделения водорастворимых полисахаридов (ВРПС) сырье дважды экстрагировали водой по 400 и 300 мл при комнатной температуре, в течение 3 и 2 часов соответственно при постоянном перемешивании. Полученные вытяжки сгущали упаривая до 50 мл и осаждали в 150 мл этилового спирта. В течение 15 минут осадок центрифугировали со скоростью 6000 об/мин и высушивали.

Далее остаток капсулируемого вещества экстрагировали горячей водой (ВРПС-Г) дважды 400 и 300 мл при температуре 75-80° С. Методика обработки как в случае ВРПС-Х.

Для выделения пектиновых веществ (ПВ) капсулируемое вещество, используемое для получения капсул «Иммунацея» обрабатывали смесью 0,5%-ных растворов щавелевой кислоты и оксалата аммония (300, 200 мл) при температуре 70°C в течение 3 и 2 часов соответственно. Объединенные экстракты упаривали до 100 мл и диализировали до нейтральной реакции. Диализат упаривали до 30 мл и осаждали спиртом (1:5). Осадок отделяли фильтрованием, промывали этиловым спиртом и высушивали.

После извлечения ПВ для выделение гемицеллюлозы (ГЦ) из капсулируемого вещества её обрабатывали дважды 5%ным раствором КОН (250,200 мл) при постоянном перемешивании в течение 2,5 и 1,5

часов. Объединенные вытяжки нейтрализовали 50% ной уксусной кислотой, упаривали до 50 мл и осаждали спиртом (1:4). Осадок отделяли центрифугированием и высушивали. После полного кислотного гидролиза моносахаридный состав выделенных полисахаридов исследовали бумажной хроматографией.

ВРПС гидролизовали 1н  $H_2SO_4$  в течение 8 часов при температуре  $100^\circ C$ , ПВ и ГЦ -2н  $H_2SO_4$  20 часов при температуре  $100^\circ C$ .

Гидролизаты нейтрализовали  $CaCO_3$ , деионизировали катионитом КУ-2 ( $H^+$ ), упаривали и хроматографировали. В качестве свидетелей использовали известные моносахариды. Идентификацию углеводов из обезжиренного сырья (последовательно хлороформом и 82% раствором этилового спирта) проводили после их разделения на следующие фракции:

- фракция полисахаридов, извлеченных водой комнатной температуры (ВРПС-Х) (соотношение 1:20, осадитель 95% спирт этиловый 1:3);

- фракция полисахаридов, извлеченных горячей водой (ВРПС-Г) (температура  $80^\circ C$ , соотношение 1:20, осадитель 95% спирт этиловый 1:3);

- фракция пектиновых веществ (ПВ) (равные объемы 0,5%ных растворов щавелевой кислоты и оксалата аммония, соотношение 1:20, температура  $70^\circ C$ , осадитель спирт этиловый 1:5);

- фракция гемицеллюлоз (ГЦ) (0,5% раствор калия гидроокиси, температура  $20^\circ C$ , соотношение 1:20, осадитель спирт этиловый 1:4).

Выделенные фракции подвергали кислотному гидролизу (ВРПС гидролизовали 1н  $H_2SO_4$  в течение восьми часов при  $100^\circ C$ , ПВ и ГЦ -2н  $H_2SO_4$  в течение 20 часов при  $100^\circ C$ ), нейтрализовали карбонатом бария, деминерализовали с помощью катионита КУ-2 в  $H^+$ - форме. Далее проводили идентификацию моносахаридов бумажной хроматографией, сопоставляя со стандартными образцами, используя бумагу Filtrak-FN 18 и систему растворителей бутанол-1-пиридин-вода (6:4:3) (система 1). Для идентификации пятен применяли кислый фталат анилина (проявитель 1) и 5%-ный раствор мочевины (проявитель 2). Хроматограммы проявляли при температуре  $105-110^\circ C$ .

ВРПС-Х – моносахаридный состав полисахарида представлен уроновыми кислотами и нейтральными моносахаридами (система 1, проявитель 1).

ВРПС-Г – моносахаридный состав представлен кислыми и нейтральными моносахаридами (система 1, проявитель 1).

ПВ – моносахаридный состав представлен, в основном, уроновыми кислотами, галактозой, рамнозой, арабинозой.

ГЦ – структурными составляющими являются уроновые кислоты и нейтральные моносахариды в основном, галактоза и арабиноза, рамноза и ксилоза. Полученные данные представлены в таблице 1.

Таблица 1

**Качественный моносахаридный состав выделенных фракций полисахаридов из капсулированного вещества капсул «Иммунация»**

Фракции полисахаридов	Моносахаридные остатки					
	галактоза	глюкоза	арабиноза	ксилоза	рамноза	уроновые кислоты
ВРПС-Х	++	+	++	+	-	+
ВРПС-Г	++	+	++	+	слабо	+
ПВ	++	слабо	++	слабо	++	+
ГМЦ	++	слабо	++	+	+	+

**ВЫВОДЫ:** Установлено, что полисахаридный состав капсулируемого вещества состоит из таких моносахаридов как уроновые кислоты, кислые и нейтральные моносахариды. Водорастворимые полисахариды экстрагированные водой комнатной температуры (ВРПС-Х) состоят из уроновых кислот и нейтральных моносахаридов. Водорастворимые полисахариды экстрагированные горячей водой (ВРПС-Г) состоят из кислых и нейтральных моносахаридов. Моносахаридный состав пектиновых веществ (ПВ) представлен, в основном, уроновыми кислотами, галактозой, рамнозой, арабинозой. Структурными составляющими гемицеллюлозы (ГМ) являются уроновые кислоты и нейтральные моносахариды в основном, галактоза, арабиноза, рамноза и ксилоза.

**ЛИТЕРАТУРА.**

1. Н.З.Мухамеджанов, С.З.Азизов, Н.Н. Мухамеджанова “Энциклопедия лекарственных растений Узбекистана” Т.: Узбекистан, 2017. – С. 439.

2. Сакович Г.С., Колхир В.К. Разработки ВИЛАР по созданию современных отечественных лекарственных препаратов на основе

эхинацеи пурпурной и сырьевой базы для их производства // Проблемные и обзорные статьи. 2004. – С.54-57.

3. Брыкалов А.В., Головкина Е.М., Белик Е.В., Бостанова Ф.А. Исследование физиологически активных соединений в препарате из эхинацеи пурпурной // Химия растительного сырья. – 2008.- №3. – С. 89-91.

4. Z.A. Zuparova, G.M. Ismoilova Isolation and Study of Dry Extract from Echinacea Purpurea // Global Journal of Medical ResearchPharma, Drug Discovery, Toxicology & Medicine.-2022.- V. 22. – P.30-35.

5. З.А.Зупарова Выделение и ИК-спектроскопическое исследование травы эхинацеи пурпурной // Фармацевтический вестник Узбекистана 2019 г. №4. – С. 77-80.

6. З.А.Зупарова, Г.М.Исмоилова, Т.А.Миррахимова Изучение полисахаридного состава жидкого экстракта с иммуномодулирующим действием // “Вестник” Республиканский научный журнал Южно-Казахстанской государственной академии .-2021.- Т.3.-№4. – С.3-4.

7. Mirrakhimova T.A., Olimov N.K., Ismoilova G.M., Abdullaev B. Determination of qualitative indicators of lyofily dried water extract of echinacea purple // Solid State Technology. Vol. 11, Issue 12, 2020. – P. 1600-1603.

8. Миррахимова Т.А., Тургунов М.А. Изучение элементного и полисахаридного составов сухого водного экстракта гепатопротекторного действия // Инфекция, иммунитет и фармакология. – Ташкент, 2020. -№3. – С. 23.

9. Бизунок Т.А. Фармакологические свойства эхинацеи // Рецепт. 2008. №5 – С.42-49.

## **DETERMINATION OF THE POLYSACCHARIDE COMPOSITION OF THE ENCAPSULATED SUBSTANCE IN THE DOSAGE FORM "IMMUNACEA"**

*Summary. The polysaccharide composition of the encapsulated substance of Immunacea capsules was isolated and studied. The isolation of polysaccharides from the encapsulated substance was carried out by extraction with water at room temperature and hot water; after the hydrolysis of the polysaccharide, monosaccharides such as uronic acids, acidic and neutral monosaccharides were found. When studying the monosaccharide composition of pectin substances, uronic acids, galactose, rhamnose, and arabinose were*

*found. The structural components of hemicellulose were uronic acids and neutral monosaccharides, mainly galactose, arabinose, rhamnose and xylose.*

*Key words: Echinacea purpurea, extract, capsules, Immunacea, polysaccharides, monosaccharides.*

### **“ИММУНАЦЕЯ” ДОРИ ШАКЛИНИНГ КАПСУЛАЛАНГАН МОДДАСИНИНГ ПОЛИСАХАРИДЛАРИ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ**

*Аннотация. "Иммунацея" дори шаклининг капсулаланган моддасини полисахаридлари ажратиб олинди ва таркиби таҳлил қилинди. Капсулаланган модданинг полисахаридларини ажратиши хона ҳароратидаги сув ва иссиқ сув билан экстракция қилиши йўли билан амалга оширилди. Полисахаридлар гидролизланганидан сўнг моносахаридлардан урон кислоталари, кислотали ва нейтрал моносахаридлар борлиги аниқланди. Пектин моддаларининг моносахарид таркибини ўрганиши натижасида урон кислоталари, галактоза, рамноза, арабиноза мавжутлиги аниқланди. Гемицеллюлозанинг таркибий қисмлари урон кислоталари ва нейтрал моносахаридлар, асосан галактоза, арабиноза, рамноза ва ксилоза эканлиги маълум бўлди.*

*Калит сўзлар: тўқ қизил эхинацея, экстракт, капсулалар, "Иммунацея", полисахаридлар, моносахаридлар.*

УДК: 602:57. 085.2

**Уткурова Вазира Саттаровна**

*к.б.н., ст.н.с., Центра передовых технологий при Министерстве  
инновационного развития, г.Ташкент.*

**Нормуродова Кундуз Тогаевна**

*д.б.н., проф., Национального Университета Узбекистана,  
г.Ташкент, Узбекистан.*

**Якубов Миракбар Даниярович**

*к.б.н., ст.н.с., Центра передовых технологий при Министерстве  
инновационного развития, г.Ташкент.*

## **МИКРОКЛОНАЛЬНОЕ РАЗМНОЖЕНИЕ РАСТЕНИЙ ГОЛУБИКИ (*VACCINIUM MYRTILLUS L.*) В УСЛОВИЯХ IN VITRO**

*Аннотация.* Для выращивания микрорастений использовали оптимальную питательную среду WPM, когда экспланты вносили в их почки использовали стерилизацию гипохлоритом натрия. На этапе микроразмножения наиболее эффективна оказалась питательная среда с добавлением витаминов и сахарозы 30 г/л, 2ip 1 мг/л для образования побегов и концентрации ауксина ИМК 2 мг/л для укоренения.

**Ключевые слова:** *Vaccinium myrtillus L*, эксплантант, *in vitro*.

**ВВЕДЕНИЕ.** Ещё недавно, казалось бы, такая малораспространенная ягодная культура, как голубика (*Vaccinium myrtillus L.*), в настоящее время с каждым годом уверенно занимает в Узбекистане всё большие площади под посадки. Кроме того многие частные садоводы стремятся иметь несколько кустов голубики на своём земельном участке. Ягоды голубики содержат множество биохимических элементов, которые полезны для здоровья человека. Голубику используют для производства соков, варенья, кондитерских изделий, фруктовых чаев, в качестве наполнителей для йогуртов, мороженого и прочих молочных продуктов, а также фармакологических препаратов и прочее.

Вещества, содержащиеся в ягодах, помогают предупреждать развитие болезни Альцгеймера, способствуя улучшению передачи сигналов в клетках головного мозга, таким образом, предотвращая

умственную недостаточность [1]. Благодаря полифенолам, которые в больших количествах содержатся в ягодах голубики, замедляется старение клеток и улучшается работа периферийных тканей коры мозга [2]. Другие вещества, находясь в больших количествах, в целом защищают человеческий организм от старения и способствуют повышению жизненной активности [3, 4].

Возделывание голубики требует некоторых технологических особенностей. Наиболее благоприятными условиями для роста и развития растений голубики являются почвы с кислой реакцией (рН-3,5), рыхлой структурой и большим количеством органических веществ и влаги. Это понятно, так как в природных условиях голубика произрастает на заболоченных почвах. Очень редко для закладки промышленных насаждений голубики удаётся подобрать участок, условия которого были бы сопоставимы с природными условиями её произрастания, поэтому, в большинстве случаев приходится проводить частичную мелиорацию отведённых для неё территорий. Для этого посадочные ямы, или же траншеи, выкопанные по длине ряда, заполняют специально подготовленным субстратом на основе верхового торфа. Частично корректировки количества элементов питания и реакции почвенных растворов можно проводить через систему орошения (без неё невозможно получать высокие и стабильные урожаи, а наиболее целесообразен капельный полив) или же другими методами, однако размер посадочных ям, или же траншей, должен быть достаточным для обеспечения жизнеспособности растений элементами питания, которые они будут потреблять из субстрата на протяжении длительного периода вегетации.

Генетическое разнообразие – это не всегда хорошо. Если цель состоит в том, чтобы быстро и качественно вырастить некое множество одинаково здоровых саженцев то проще взять один заведомо здоровый сорт растения и размножить его вегетативно. На данный момент наиболее перспективным и принципиально новым методом размножения ягодных культур является микрочлонирувание растений, иначе говоря, получение в условиях *in vitro* необходимого количества растений, генетически идентичных исходно взятому экземпляру.

Методы *in vitro* имеют множество преимуществ перед традиционными способами размножения. Помимо упомянутой генетической идентичности здесь необходимо отметить, что растения, полученные данным способом, быстро переходят к репродуктивной фазе

своего развития. Кроме того, они освобождаются от патогенов, а также этими методами можно легко размножить такие растения, у которых размножение обычными способами затруднено. Немаловажен также и тот факт, что работы этими методами можно проводить круглый год, весьма ощутимо экономя на площадях для посадочного материала.

Таким образом, целью нашего исследования было разработка способа получения беспатогенного посадочного материала голубики в количествах, достаточных для ее возделывания в промышленных масштабах на основе микроразмножения в условиях *in vitro*. Саженьцы высокого качества, полученные таким образом, при соблюдении всех агротехнических требований, в дальнейшем будут способствовать получению наиболее высоких урожаев, а соответственно и прибыли.

**МЕТОДЫ.** Исследования проводили в 2021 году с использованием общепринятых приемов работы с культурой тканей и органов высших растений [5].

В качестве исходного материала в культуре *in vitro* использовали интенсивно растущие зеленые побеги голубики, изолированные с вегетирующих кустов сортов голубики «*Bluecrop*» и «*Patriot*» в весеннее – летний период и вызревшей лозы в осенне-зимний период.

Из доставленных в лабораторию зеленых побегов растений, произрастающих в поле или заготовленных из выведенной из состояния покоя вызревшей лозы, вычленили верхушки побегов размером 2 - 3 см. Верхушки побегов, стерилизовали в 70 %-м этиловом спирте в течение 30 - 40 с. Затем их помещали в 25% раствор гипохлорита натрия на 5 - 7 мин. После, верхушки побегов перемещали в стерильную воду для промывки от дезинфицирующих веществ. Работы по высадке исходных эксплантатов, а также их микроразмножению проводили в ламинарном боксе.

В качестве базовой среды (БС) использовали питательную среду, содержащую макро- и микросоли по прописи WPM [6], сахарозу (30 г/л), агар-агар 7 г/л, рН 2.5-3.5. После посадки в культивационные сосуды одноглазковых эксплантом их переносили в факторостатную комнату и культивировали при температуре 21 – 25 °С освещенности 1000 люксов (1000 люмий на квадратный метр).

Для регенерации побегов из эксплантов в питательную среду добавляли 2iP в концентрации 1 мг/л. Полученные стерильные побеги голубики для укоренения пересаживали на питательные среды с добавлением 2 мг/л ИВА.

Культивируемые *in vitro* укорененные растения голубики высотой 5-7 см пересаживали в горшки со смесью песок/торф/вермикулит в соотношении 1:7:2. Горшки с растениями помещали в пленочные мини-теплички с естественным освещением и поддержанием температуры 20-25°C. Первые 10-12 дней растения накрывали полиэтиленовой пленкой и защищали от прямого солнечного света, а затем пленку снимали.

**РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ.** При введении эксплантат *in vitro* указанный режим поверхностной стерилизации верхушки побегов на 25% раствор гипохлорита натрия на 5-7 мин оказался приемлемым и эффективным, без токсического эффекта и выход неинфицированных жизнеспособных эксплантов составил 100%.

Показано, что на этапе микроразмножения наиболее эффективной является базовая среда *Woody Plant Medium*, содержащая витамины по прописи Мурасиге и Скуга и дополненная 30 г/л сахароза, 1 мг/л 2iP для побегообразования и 2 мг/л ИВА для укоренения побегов голубики.

При высадке в почвенный субстрат растений-регенерантов они должны иметь хорошо развитые листья или розетки, как отмечает ряд авторов [7, 8] а также развитую корневую систему. В наших работах по укоренению растений голубики отмечено, что развитие корневой системы на среде укоренения наблюдается в течение 3-4 недель, что свидетельствует о том, что уже через месяц регенеранты можно высаживать в почвенный субстрат.

Наши результаты показали, что на приживаемость *in vitro* растений в почвенном субстрате влияют биометрические показатели микрорастений: высота растения, количество и длина корней. Хорошо приживаются растения с сильно развитой корневой системой. На основании полученных данных установлено, что слабо развитые растения голубики высотой менее 5,0 см и имеющие от 2 до 4 корней на 1 растение после нахождения на среде укоренения в течение 30 дней не готовы к переносу из *in vitro* в условия *ex vitro*. Растения в этом случае целесообразно доращивать до оптимальных параметров и только после этого начинать процесс адаптации к почвенным условиям.

Для адаптации растений-регенерантов оптимальным является следующий субстрат: песок, торф (pH=2.5-3.5) и вермикулит в соотношении 1:7:2. Использование вермикулита в составе почвогрунтов позволяет создать оптимальные условия для адаптации растений,

обеспечивая максимальную приживаемость и высокие темпы роста растений. Разработаны основы *ex vitro* технологии голубики.

**ВЫВОДЫ.** Возделывание голубики требует некоторых технологических особенностей. При введении эксплантов *in vitro* верхушки побегов голубики стерилизовали гипохлоритом натрия. Результаты показали для получения микрорастений оптимальная питательной средой является WPM. Побегообразование проводили на средах с добавлением 1 мг/л 2iP, а для укоренения 2 мг/л ИВА. Показано, что на этапе микроразмножения наиболее эффективной является базовая среда Woody Plant Medium, содержащая витамины по прописи Мурасиге и Скуга и дополненная 30 г/л сахара, 1 мг/л 2iP для побегообразования и 2 мг/л ИВА для укоренения побегов голубики.

#### **ЛИТЕРАТУРА.**

1. Joseph J.A., Denisova N.A., Arendash j., Gordon M., Diamond D., Shukitt-Hale B., Morgan D. Blueberry supplementation enhances signaling and prevents behavioral deficits in Alzheimer disease model /Nutritional Neuroscience. – Vol. 6, – 2003. pp. 153 – 162.

2. Youdim K.A., Shukitt-Hale B., Martin A., Wang H., Denisova N., Bickford P.C., Joseph J.A. Short-term dietary supplementation of blueberry polyphenolics: beneficial effects on aging brain performance and periphtral tissue function / Nutritional Neuroscience. – Vol. 3, – 2000. pp. 383 – 397.

3. Galli R.I., Bielinski D.F., Szprengiel A., Shukitt-Hale B., Joseph J.A. Blueberry supplemented diet reverses age-related decline in hippocampal HSP70 neuroprotection / Neurobiology of Aging. – Vol. 27, – 2006. pp. 344 – 350.

4. Battino M., Beekwilder J., Denoyes-Rothan B., Laimer M., MacDougall G., Mezzetti B. Bioactive compounds in berries relevant to human health / Nutritional Reviews. – Vol. 67, – 2009. pp. 145 – 150.

5. Бутенко Р.Г. Биология клеток высших растений *in vitro* и биотехнология на их основе: учеб. Пособие / - М.: УБК-Пресс, 1999. - 160 с.

6. McCown B.H., Lloyd G. Woody plant medium (WPM) – a revised mineral nutrient formulation for microculture of woody plant species / Hort. Sci. 1981. V. 16. P. 453.

7. Вечернина Н.А. Биотехнология растений / Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2009. 224 с.

8. Катаева Н.В., Бутенко Р.Г. Клональное микроразмножение растений / М.: Наука, 1983. 96 с.

### **IN VITRO MICROCLONAL PROPAGATION OF BLUEBERRY PLANTS (*VACCINIUM MYRTILLUS L.*)**

*Summary.* The optimal nutrient medium WPM was used to grow microplants, when the explants were introduced into their buds sterilization with sodium hypochlorite was used. At the stage of micropropagation, the nutrient medium with the addition of vitamins and sucrose 30 g/l, 2ip 1mg/l for the formation of shoots and the concentration of auxin ИМС 2 mg/l for rooting turned out to be the most effective.

**Keywords:** *Vaccinium myrtillus L, explant, in vitro.*

### **IN VITRO ШАРОИТИДА ГОЛУБИКИ (*VACCINIUM MYRTILLUS L.*) ЎСИМЛИГИНИ МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИШ**

*Аннотация.* Микроўсимликларни етиштириш учун WPM озуқа муҳитидан фойдаланилган, эксплантлар куртаклари ичига киритилишидан олдин, улар натрий гипохлорит билан стерилизатсия қилинган. Микро-кўпайтириш босқичида витаминлар ва сахароза қўшилган озуқа муҳити 30 г/л, куртаклар ҳосил қилиш учун 2ip 1 мг/л ва илдиз отиш учун ауксин ИМС 2 мг/л концентрацияси энг самарали бўлиб чиқди.

**Калит сўзлар:** *Vaccinium myrtillus L, эксплант, in vitro.*

Биология фанлари

УДК 577.353.4

**Тоштемирова Гулноза Абдурафиевна**

*ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти таянч докторанти,  
кичик илмий ходими, Тошкент ш.*

**Циферова Наргиза Александровна**

*PhD., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти катта илмий  
ходими, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги  
ҳузуридаги Илгор технологиялар маркази катта илмий ходими,  
Тошкент ш.*

**Рустамова Сарвиноз Исломовна**

*PhD., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти катта илмий  
ходими, Тошкент ш.*

**Курбанназарова Раънохон Шараповна**

*б.ф.д., профессор, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти,  
Молекуляр физиология лабораторияси мудури, Тошкент ш.*

**Мерзляк Петр Григорьевич**

*б.ф.д., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Мембраналар  
биофизикаси лабораторияси мудури, Тошкент ш.*

**Сабиров Равшан Заирович**

*академик, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти директори,  
Тошкент ш.*

**КАЛАМУШ ТИМОЦИТ ҲУЖАЙРАЛАРИ ПРОЛИФЕРАЦИЯСИДА  
 $K^+$  ва  $Ca^{2+}$  ИОН КАНАЛЛАРИНИНГ РОЛИ**

**Аннотация.** Ушбу тадқиқотда ҳажм бошқарилиш тизимида иштирок этувчи  $K^+$  ва  $Ca^{2+}$  каналларининг каламуш тимоцит ҳужайралари пролиферациясидаги ролини тадқиқ қилиш мақсадида, ушбу каналлар блокаторлари бўлган тетраэтиламмоний ( $TЭА^+$ ) ва  $Ba^{2+}$  ионларининг таъсири ўрганилди. Тажрибаларда 1 мМ ва 5 мМ  $TЭА$  нинг каламуш тимусидан олинган тимоцитлар пролиферацияси жараёнига сезиларли таъсири кузатилмади. Олинган натижаларда  $Ba^{2+}$  ионлари  $TЭА^+$  га нисбатан самарали бўлиб,  $Ba^{2+}$  таъсири концентрацияга боғлиқ ҳолда пролиферацияни тўхтатишига ва ҳужайра ўлимига олиб келди. Кальций каналининг блокаторлари нифедипин (200 мкМ) ва верапамил (100 мкМ) ҳужайралар ўлимига олиб келиши аниқланди. Демак, кальций

каналлари нафақат тимоцитлар ҳажм бошқарилишида, балки уларнинг пролиферациясида ҳам муҳим рол ўйнайди.

**Таянч сўзлар:** тимоцитлар,  $TЭА^+$  (тетраэтиламмоний),  $Ва^{2+}$ , нифедипин, верапамил, пролиферация, ҳужайра ўлими.

**КИРИШ.** Маълумки, ҳужайра ҳажм бошқарилиши ҳужайра мембранасининг анион ва катион ўтказувчанлигига боғлиқ [8]. Ҳужайра ҳажмининг ўзгариши ҳужайра мембранасидаги ионлар транспортини, хусусан  $Cl^-$ ,  $Ca^{2+}$  ва  $K^+$  каналларининг махсус иштирокини талаб қилади [6]. Ҳужайра ҳажмининг бошқарилиш тизимининг функцияси дифференциация, ҳужайра пролиферацияси ва апоптоз жараёнлари учун асосий омил ҳисобланади. Ҳужайра пролиферацияси жараёнида  $K^+$  ва  $Ca^{2+}$  каналларининг бир нечта тури иштирок этади [9, 13].  $K^+$  каналлари Т-ҳужайра функциясида ва ҳужайра ҳажми бошқарилишидаги  $Ca^{2+}$  каналлини фаоллашиш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга.  $Ca^{2+}$  биологик сигнал сифатида пролиферацияда муҳим рол ўйнаши маълум [4, 11].

Каламуш тимусидан олинган тимоцит ҳужайраларининг пролиферациясида катион каналларининг роли тўлиқ ўрганилмаганлигига асосланиб, ушбу тадқиқотимиз каламуш тимоцит ҳужайралари пролиферациясида  $K^+$  ва  $Ca^{2+}$  каналларининг ролини ўрганишга қаратилган.


**УСУЛЛАР.** Тажрибалар зотсиз (100-150 гр), виварийда оддий парҳезда боқилган, 6-8 ҳафталик оқ каламушларда олиб борилди. Оқ каламушлар тимусидан тимоцит ҳужайралари стандарт усул бўйича ажратилди [1, 2, 10] ва якуний суспензия Рингер эритмаси ўрнига зардобсиз  $NaHCO_3$ , глутамин ва антибиотиклар (пенициллин ва стрептомицин) бўлган RPMI-1640 озик муҳитига ўтказилди. Суспензиядаги ҳужайра концентрацияси “Corning<sup>TM</sup>” ҳисоблагичида саналди ва суспензия 10-20 мл ҳажмда керакли номинал концентрациягача (1 млн/мл) 10% бузоқ эмбриони зардоби (FBS) қўшилган RPMI-1640 озик муҳитида суолтирилди. Шундан сўнг ҳужайра суспензияси 1 мл дан 24 та уячали микроплатанинг ўйиқларига қуйилди. Блокаторларнинг концентранган эритмалари диметилсульфоксид (ДМСО) да тайёрланди. Тажриба эритмаларида блокаторлар қўшилгандан сўнг ДМСО нинг концентрацияси 0,1% дан ошмади ва бу концентрацияда у қайд қилинган тажриба параметрларига сезиларли таъсир қилмади. Блокаторлар қўшилган ҳужайралар суспензияси 37°C, 5%  $CO_2$  ли термостатда 0 ва 24

соат давомида инкубация қилинди ва ҳужайралар сони қайта “Corning™” ҳисоблагичида аниқланди.

**НАТИЖАЛАР.** Дастлабки тажрибаларимизда каламуш тимоцитлари пролиферациясига калий каналларининг ролини аниқлаш мақсадида, шу каналнинг классик блокаторлари бўлган тетраэтиламмоний (ТЭА<sup>+</sup>) ва Ва<sup>2+</sup> ионларининг таъсири ўрганилди.

Бунда ТЭА<sup>+</sup> нинг 1 мМ ва 5 мМ ҳамда Ва<sup>2+</sup> нинг 1 мМ ва 10 мМ концентрацияларидан фойдаландик. Тажрибаларимизда ҳужайра суспензиясидаги ҳужайралар сони 24 соат инкубациядан сўнг назоратда  $1,41 \pm 0,03$  млн/мл ни ташкил қилди (n=8). 1 мМ ТЭА<sup>+</sup> таъсирида ҳужайралар сони  $1,40 \pm 0,03$  млн/мл ни (n=8), 5 мМ концентрацияда эса  $1,44 \pm 0,03$  млн/мл ни ташкил этди. Олинган натижалар ТЭА<sup>+</sup>нинг тимоцитлар пролиферациясига сезиларли таъсир этмаслигидан далолат беради (1-расм, А).

Калий каналининг яна бир блокатори – Ва<sup>2+</sup> ионлари 1 мМ концентрацияда тимоцитлар пролиферациясини тўлиқ ингибирлади ( $1,16 \pm 0,02$  млн/мл), 10 мМ концентрацияда эса 10% га яқин ҳужайраларнинг ўлими кузатилди ( $0,96 \pm 0,01$  млн/мл) (1-расм, Б).




**1-расм. Калий канали блокаторлари ТЭА<sup>+</sup> (А) ва Ва<sup>2+</sup> ионлари (Б)нинг тимоцит ҳужайралари пролиферациясига таъсири.**

(NS – not significant, статистик фарқ мавжуд эмас).

Тадқиқотларимизнинг кейинги қисмида каламуш тимоцитлари пролиферациясига кальций каналининг блокаторлари бўлган нифедипин (200 мкМ) ва верапамил (100 мкМ)нинг таъсири ўрганилди (2-расм).

Назоратдаги тимоцитлар сони 24 соат инкубациядан сўнг  $1,23 \pm 0,02$  млн/мл ни ташкил қилди ( $n=5$ ). 200 мкМ концентрацияда нифедипин ҳужайраларнинг 50% ўлимига ( $0,54 \pm 0,03$  млн/мл), 100 мкМ верапамил эса 30% ( $0,73 \pm 0,03$  млн/мл) ҳужайралар ўлимига олиб келди.



**2-расм. Кальций канали блокаторлари нифедипин (А) ва верапамил (Б) нинг тимоцит ҳужайралари пролиферациясига таъсири**

**МУҲОКАМА.** Маълумки,  $K^+$  каналларининг бир қанча турлари ҳужайраларнинг ўлими ва кўпайишида муҳим аҳамиятга эга [7, 12]. Тадқиқотларда калий ионларининг тимоцитлар ҳажм бошқарилишида асосий ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги аниқланган [10, 3]. Тажрибаларимизда фойдаланилган тетраэтиламмоний ( $TЭА^+$ ) ва  $Ca^{2+}$  ионлари калий каналларининг классик блокатори ҳисобланади. Бу блокаторлар ёрдамида ҳужайра ҳажм бошқарилиш жараёнида  $K^+$  каналларининг роли муҳим эканлиги исботланган [10, 3]. Тажрибаларимизда  $TЭА^+$  нинг 1 мМ ва 10 мМ концентрациялари каламуш тимоцитлар пролиферацияси жараёнига сезиларли таъсири кузатилмади. Демак,  $TЭА^+$  га сезгир бўлган калий каналлар турлари (масалан,  $K_v$  турдаги потенциалга боғлиқ ҳужайра ташқисига йўналган калий каналлари) тимоцитлар пролиферациясида муҳим рол ўйнамайди. Бундан фарқли ўлароқ,  $Ca^{2+}$  ионларининг  $TЭА^+$  га нисбатан самарали эканлиги кузатилди. Бунда  $Ca^{2+}$  таъсири концентрацияга боғлиқ ҳолда пролиферацияни тўхтатишга ва ҳужайра ўлимига олиб келди. Адабиётларда келтирилган, ҳужайра ичига йўналган калий каналлари ( $K_{in}$ ) айнан  $Ca^{2+}$  ионларига энг сезгир эканлигига таяниб [5], тадқиқотларимиздан олинган натижаларимизда тимоцитларнинг

пролиферацияси калий каналининг айнан шу тури иштирокида амалга ошади, деган хулосага келиш мумкин.

Кальций канали блокаторларининг нифедипин (200 мкМ) ва верапамил (100 мкМ) ҳужайра ўлимига олиб келиши, каламуш тимусидан олинган тимоцит ҳужайралари пролиферациясида кальций каналини ҳам аҳамияти жуда катта эканлигини исботлайди.

Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, каламуш тимоцит ҳужайраларининг ҳажм бошқарилишида иштирок этувчи ион каналлари уларнинг пролиферациясида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида Ф-ОТ-2021-157 “Ҳужайра ҳажм бошқарилиш тизимининг нормал ва рақ ҳужайралари пролиферацияси ва ўлимидаги роли ва унинг фармакологияси” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилди.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Клаус Дж. // Лимфоциты. Методы. М.: Мир. 1990. – С. 395.
2. Курбанназарова Р.Ш., Ташмухамедов Б.А., Сабилов Р.З. Роль ионов  $Ca^{2+}$ , Са-каналов и систем сопряжённого транспорта ионов в регуляции объема лимфоцитов из тимуса крыс. // Докл. АН РУз. 2007. №6. – С. 68-72.
3. Курбанназарова Р.Ш., Ташмухамедов Б.А., Сабилов Р.З. Роль ионных каналов в регуляции объема лимфоцитов из тимуса крыс. // Вестник НУУз 2008. № 4. – С. 4-6.
4. Berridge M.J., Lipp P., Bootman M.D. The versatility and universality of calcium signaling. // Nat Rev Mol Cell Biol. 2000. Vol.1. – P.11-21.
5. Kuang Q., Purhonen P., Hebert H. Structure of potassium channels // Cell Mol Life Sci. -2015. -Vol. 72. № 19. – P. 3677-93.
6. Lang F., Foller M., Lang K., Lang P., Ritter M., Vereninov A., Szabo I., Huber S.M., Gulbins E. Cell volume regulatory ion channels in cell proliferation and cell death. // Methods in Enzymology. 2007. Vol.428. – P. 209-225.
7. Lang F., Foller M., Lang K.S., Lang P.A., Ritter M., Gulbins E., Vereninov A., Huber S.M. Ion channels in cell proliferation and apoptotic cell death. // J Membrane Biol. 2005. Vol.205(3). – P.147–157.
8. Okada Y., Sabirov R.Z., Merzlyak P.G., Numata T., Sato-Numata K. Properties, Structures, and Physiological Roles of Three Types of Anion

Channels Molecularly Identified in the 2010's. // Front. Physiol. 2021. Vol. 12. – P.1-12.

9. Patel A.J. and Lazdunski M. The 2P-domain K<sup>+</sup> channels: role in apoptosis and tumorigenesis. // Pflug. Arch. 2004. Vol.448. – P. 261-273.

10. Sabirov R. Z., Manjosova M.A., Tadjibayeva E.T., Krasilnikov O.V. The interaction of Amphotericin B with cell membrane of rat thymocytes. // Gen. Physiol. Biophys. 1993. Vol 12. – P. 249-257.

11. Santella L., Ercolano E., Nusco G.A. The cell cycle: a new entry in the field of Ca<sup>2+</sup> signaling. // Cell Mol Life Sci. 2005. Vol.62 (21). P.2405–2413.

12. Shieh C.C., Coghlan M., Sullivan J.P., Gopalakrishnan M. Potassium channels: molecular defects, diseases, and therapeutic opportunities. // Pharmacol Rev. 2000. Vol.52 (4). – P.557-594.

13. Wang Z. Roles of K<sup>+</sup> channels in regulating tumour cell proliferation and apoptosis. // Pflug. Arch. 2004. Vol.448. – P.274-286.

### **ROLE OF K<sup>+</sup> AND Ca<sup>2+</sup> ION CHANNELS IN PROLIFERATION OF RAT THYMOCYTES**

*Summary.* In the present study, we examined the effects of blockers of K<sup>+</sup> and Ca<sup>2+</sup> channels, tetraethylammonium (TEA<sup>+</sup>) and Ba<sup>2+</sup> to investigate the role of K<sup>+</sup> and Ca<sup>2+</sup> channels, involved in volume regulation, in the proliferation of rat thymocytes. In our experiments, no significant effect of 1 mM and 5 mM TEA<sup>+</sup> was observed on the proliferation process of thymocytes isolated from rat thymus. The results showed that Ba<sup>2+</sup> ions were more effective than TEA<sup>+</sup>, and exposure to Ba<sup>2+</sup> induced proliferation arrest and cell death in a concentration-dependent manner. Calcium channel blockers, nifedipine (200 μM) and verapamil (100 μM) were found to cause massive cell death. Thus, calcium channels play an important role not only in volume regulation, but also in proliferation of thymocytes.

**Key words:** thymocytes, TEA<sup>+</sup> (tetraethylammonium), Ba<sup>2+</sup>, nifedipine, verapamil, proliferation, cell death.

### **РОЛЬ ИОНОВ K<sup>+</sup> И Ca<sup>2+</sup> В ПРОЛИФЕРАЦИИ ТИМОЦИТОВ КРЫС**

*Аннотация.* В настоящем исследовании мы изучили эффекты блокаторов кальциевых и калиевых каналов (тетраэтиламмония (TEA<sup>+</sup>) и Ba<sup>2+</sup>), с целью изучения их роли в регуляции объема и пролиферации тимоцитов крысы. В наших экспериментах не наблюдалось значимого влияния 1 mM и 5 mM TEA<sup>+</sup> на процесс пролиферации тимоцитов,

выделенных из тимуса крысы. Установлено что ионы  $\text{Ba}^{2+}$  более эффективны, чем ионы  $\text{TEA}^+$ , они подавляли пролиферацию клеток и увеличивали гибель клеток. Было обнаружено, что блокаторы кальциевых каналов, нифедипин (200 мкМ) и верапамил (100 мкМ) вызывают массовую гибель клеток. Таким образом, очевидно, что кальциевые каналы играют важную роль не только в регуляции объема, но и в пролиферации тимоцитов.

**Ключевые слова:** тимоциты,  $\text{TЭА}^+$  (тетраэтиламмоний),  $\text{Ba}^{2+}$ , нифедипин, верапамил, пролиферация, гибель клеток.

Биология фанлари

УДК 577.353.4

**Хамидова Озода Жохонгировна**

*PhD., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти катта илмий ходими. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология факультети доценти, Тошкент ш.*

**Рустамова Сарвиноз Исломовна**

*PhD., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти катта илмий ходими, Тошкент ш.*

**Курбанназарова Раънохон Шараповна**

*б.ф.д., профессор, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти, Молекуляр физиология лабораторияси мудири. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология факультети профессори, Тошкент ш.*

**Мерзляк Петр Григорович**

*б.ф.д., ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Мембраналар биофизикаси лабораторияси мудири, Тошкент ш.*

**Сабиров Равшан Заирович**

*академик, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти директори, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология факультети академиги, Тошкент ш.*

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИДА ОДАМ  
ЭРИТРОЦИТЛАРИНИНГ ОСМОТИК ВА КОЛЛОИД-ОСМОТИК  
СТРЕССГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

*Аннотация.* Тадқиқотимиздан олинган натижаларда қандли диабет билан оғриган беморлар эритроцитларида шартли соғлом одамларга нисбатан осмотик ва коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилик юқори бўлди. Беморлар қандли диабетнинг I ва II турларига ажратилганида, икки гуруҳ орасида статистик фарқ кузатилмади. Олинган натижа бемор эритроцит мембраналарида холестерин миқдорининг ошганидан ҳамда ҳажмга боглиқ анион транспорти фаоллиги баландлигидан далолат бериши мумкин.

*Таянч сўзлар:* эритроцитлар, мембрана, гемолиз, гипоосмотик стресс, коллоид-осмотик стресс, нистатин.

**КИРИШ.** Дунё аҳолиси орасида қандли диабет, анемия, бактериал ва вирусли инфекциялар, яллиғланиш ва турли хил захарланиш касалликларининг ортиши кузатилмоқда. Бундай жараёнлар хужайра сув баланси ва ҳажмининг ўзгаришларига олиб келади. Қандли диабет (ҚД)га чалинган беморлар хужайралари мембранасида холестериннинг сезиларли даражада кўпайиши кузатилади ва бу эритроцит хужайра мембранаси деформацияси ва ҳаракатини камайишига [1, 2], гемоглобиннинг кислород билан боғланишидаги бузилишларига, хужайранинг биофизик хусусиятлари дисбалансига, гематологик параметрлар ва антиоксидант ҳимоя тизими бузилишига олиб келади [3, 4]. Ушбу тадқиқот ишида биз соғлом ва ҚД билан оғриган одамлар эритроцитларининг осмотик стресс ва коллоид-осмотик лизисга чидамлилигини ўргандик.

**УСУЛЛАР.** Тажрибалар Республикамизнинг Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудида яшовчи соғлом ва ҚД билан оғриган бемор одамлар қонидан стандарт метод [5] ёрдамида ажратиб олинган эритроцит хужайраларида олиб борилди. Тажрибалар 12 нафар соғлом ва 18 нафар ҚДга чалинган бемор одамларда ўтказилди. ҚДнинг I ва II турлари беморларнинг глюкозага толерантлик тестига асосан ташхисланиб ажратилган.

Тадқиқотларимизда қуйидаги эритмалардан фойдаландик. Рингер эритмаси таркиби (мМ): 135 NaCl, 5 KCl, 10 NEPES, 2 CaCl<sub>2</sub>, 1 MgCl<sub>2</sub>, 5 глюкоза, pH=7,4 осмотиклик 290 мОс/кг H<sub>2</sub>O. Н-буфер эритмаси таркиби (мМ): 5 KCl, 10 NEPES, 2 CaCl<sub>2</sub>, 1 MgCl<sub>2</sub>, 5 глюкоза, pH=7,4 осмотиклик 40 мОс/кг H<sub>2</sub>O. Гипотоник эритмалар Рингер ва Н-буфер эритмаларининг турли нисбатдаги аралашмасидан фойдаланиб тайёрланди. Одам қони стандарт усулда [5] кўнгилли соғлом ва ҚД ли беморлардан олинди ва антикоагулянт сифатида гепарин ишлатилди. Олинган қон 1:10 нисбатда Рингер эритмаси билан суюлтирилиб, 3000 айланиш/мин тезликда 10 мин давомида чўктирилди, эритроцит хужайралари 3 мартаба Рингер эритмасида шу тарзда ювилиб, 8% ва 40% гематокритли эритроцит суспензияси тайёрланди.

Эритроцит хужайраларининг осмотик стрессга чидамлилигини текшириш учун микротитратор платаси ўйиқчаларига 360 мкл осмотик босими ҳар хил бўлган эритма ва 40 мкл 40% ли эритроцит суспензиясини қўшдик; эритроцитларнинг коллоид-осмотик лизисга чидамлилигини ўрганиш учун эса микротитратор платаси ўйиқчаларида 200 мкл нормал Рингер эритмасида нистатин моддасини титрладик. Назорат учун

микротитратор платаси бир ўйиқчасига тоза (ҳеч қандай қўшимчалар қўшилмаган) 200 мкл нормал Рингер эритмаси ва яна бир ўйиқчасига шунча миқдорда 100% гемолизга олиб келувчи тритоннинг 1% ли эритмаларини солиб, устига 200 мкл 8 % ли эритроцит суспензиясини қўшдик ҳамда 37°C да 60 мин инкубациядан сўнг супернатантдаги гемоглобин миқдорини 540 нм тўлқин узунлигида аниқладик. Ҳар бир тажриба сўнгида гемолиз жараёни фоиз (%) ҳисобида қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:


$$\text{Гемолиз} = (OЗ / OЗ_{100}) \times 100\%$$

Бу ерда,  $OЗ$  – тажриба гуруҳидаги чўкма устидаги суюқликнинг оптик зичлиги қиймати,  $OЗ_{100}$  – тритон  $X-100$  эритмаси солинган назорат гуруҳидаги чўкма усти суюқлиги оптик зичлиги қийматини ифодалайди.

**НАТИЖАЛАР.** Тажрибаларимизнинг биринчи боскичида турли осмотик босимга эга эритмаларда эритроцит ҳужайраларининг осмотик босимга чидамлилиги ўрганилди. Тажрибаларда ҳужайра ташқи муҳитидаги осмотик босимнинг камайиши билан ҳужайраларда лизис жараёнининг ортиши кузатилди (1-расм). Нормал изоосмотик шароитдаги эритроцит ҳужайралари ўзининг яхлитлиги бир қанча вақтгача сақлаб қолди ва 60 минутдан сўнг гемолиз даражаси ~1,5% ни ташкил этди, шунингдек эритроцитлар 100 % гемолизга учрайдиган муҳитнинг осмотик босими 40-80 мОсм/кг  $H_2O$ ни ташкил этди. Тажрибаларда эритроцит ҳужайраларининг 50%ли гемолизига олиб келувчи самарали осмотик босим ( $\Pi_{50}$ ) қиймати қуйидаги Больцман тенгламаси ёрдамида аппроксимация қилинди:

$$\Gamma = \Gamma_{min} + (\Gamma_{max} - \Gamma_{min}) / (1 + \exp[ (\Pi - \Pi_{50}) / \kappa ])$$

Бу ерда:  $\Gamma_{min}$  ва  $\Gamma_{max}$  – минимал ва максимал гемолиз даражаси миқдори (%),  $\Pi$  – муҳитнинг осмотик босими (мОсм/кг  $H_2O$ ),  $\Pi_{50}$  – 50% гемолизга олиб келувчи муҳитнинг осмотик босими (мОсм/кг  $H_2O$ ),  $\kappa$  – эгрилик коэффициенти.



**1-расм. Эритроцит хужайраларининг осмотик босими турли (290–40 мОсм/кг Н<sub>2</sub>О) бўлган эритмалардаги гемолизи.**

А) гемолиз фоизи муҳит осмотик босимига боғлиқлиги. Б) 50% гемолизга олиб келувчи самарали босим. Статистик аҳамиятли ( $P < 0,05$ ) фарқ (\*) белгиси билан кўрсатилган, n – соғлом ва бемор одамлар сони.

Назорат тажрибаларида эритроцит хужайраларининг 50% ли гемолизига олиб келувчи самарали босим ( $P_{50}$ )  $105,6 \pm 1,6$  мОсм/кг Н<sub>2</sub>О ни ташкил этган бўлса, қандли диабет билан оғриган беморлар эритроцитларининг осмотик чидамлилиги, яъни 50% ли гемолизига олиб келувчи осмотик босими  $P_{50} = 93,7 \pm 1,7$  мОсм/кг Н<sub>2</sub>О га тенг эканлиги аниқланди (1Б-расм). Беморлар қандли диабетнинг I (n=3) ва II (n=15) турларига ажратилганида, икки гуруҳ орасида статистик фарқ кузатилмади. Демак, патологик ҳолатдаги эритроцитларда соғлом одамлар эритроцит хужайрага нисбатан осмотик чидамlilik юқорироқ экан: 50% лик гемолиз чақириш учун пастроқ осмотик босим, яъни каттароқ осмотик градиент талаб этилди. Агар ҳажмга боғлиқ анион транспорти эритроцит хужайраларининг осмотик чидамlilikидаги ролини инобатга олсак [6], ушбу тизим ҚД беморларида соғлом одамларга нисбатан юқорироқ фаолликка эга эканлигини тахмин қилиш мумкин.


Айрим антибиотиклар, бактериал токсинлар ва баъзи биологик фаол моддалар таъсирида хужайра мембранасида ўз-ўзидан йиғилувчи ион ўтказувчан поралар ҳосил бўлади, оқибатда хужайранинг коллоид-осмотик мувозанати бузилади. Бу ҳолат плазматик мембраналарнинг Na<sup>+</sup> ионига нисбатан ўтказувчанлигини оширади. Натижада хужайра кўш Доннан системадан оддий Доннан системасига ўтади, ҳажм максимал ортади ва хужайра лизисга учрайди [7, 8]. Коллоид-осмотик стрессга чидамlilik

механизмларини аниқлаш нанобиология ва наномедицинада хужайра ҳажм ўзгаришини манипуляция қилишда, хужайраларнинг турли стрессларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Биз тадқиқотларимизда ҚД нинг эритроцит хужайралари коллоид-осмотик лизисига чидамлилигини ўрганишда нистатин моддасидан фойдаландик.

Тажрибаларимиз изотоник шароитда соғлом ва ҚД билан оғриган беморларнинг эритроцитларига нистатиннинг турли концентрациясини таъсир эттириш билан амалга оширилди (2-расм). Текширилган ҳар бир одам қонининг 50% ли гемолизга олиб келувчи нистатин концентрацияси дозага боғлиқлик графикларини қуйидаги Хилл тенгламаси билан аппроксимация қилиш ёрдамида аниқланди:

$$G = G_{min} + (G_{max} - G_{min}) / (1 + (C/C_{50})^h)$$

Бу ерда:  $G_{min}$  ва  $G_{max}$  – минимал ва максимал гемолиз даражаси миқдори (%),  $C$  – нистатин моддаси концентрацияси (мкМ),  $C_{50}$  – 50% гемолизга олиб келувчи нистатиннинг концентрацияси (мкМ),  $h$  – Хилл коэффициентини.



## 2-расм. Эритроцит хужайраларининг нистатинли муҳитдаги гемолизи.

А) стационар (37°С, 60 мин) гемолизнинг нистатин концентрациясига боғлиқлиги; В) 50% гемолизга олиб келувчи нистатин концентрацияси; Статистик аҳамиятли ( $P < 0,05$ ) фарқ (\*) белгиси билан кўрсатилган, n – соғлом ва бемор одамлар сони.

Назорат тажрибаларида эритроцит хужайраларини 50%ли гемолизига олиб келувчи нистатиннинг самарали концентрацияси ( $C_{50}$ )  $52,8 \pm 1,8$  мкМ га тенг бўлса, қандли диабет билан оғриган беморлар эритроцитларининг 50%ли гемолизига олиб келувчи нистатин

концентрацияси ( $C_{50}$ )  $73,7 \pm 2,1$  мкМ ни ташкил этди (2Б-расм). Беморлар қандли диабетнинг I ( $n=3$ ) ва II ( $n=15$ ) турларига ажратилганида, икки гуруҳ орасида статистик фарқ кузатилмади.

**МУҲОКАМА.** Адабиётларда хужайра бутунлиги биомембрананинг ажралмас қисми бўлган холестериннинг фосфолипидларга стабиллаштирувчи таъсири туфайли амалга ошиши кўрсатилган [2]. Ўтказилган тажрибаларимиз натижаларига кўра ҚД билан оғриган беморларда шартли соғлом одамларга нисбатан осмотик ва коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилиқ юқори бўлди. Олинган натижа бемор эритроцитларида холестериннинг миқдори ошганлиги туфайли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, аввалги тадқиқотларимизда нистатин таъсирида кечувчи коллоид-осмотик лизис жараёнида ҳажмга боғлиқ анион транспортининг роли кўрсатилган [6-8]. Шартли соғлом одам қизил қон хужайраларининг коллоид-осмотик лизисга чидамлилиқ даражасига нисбатан ҚД билан оғриган беморларда коллоид-осмотик лизисга чидамлилигининг юқори бўлишини, ҳажмга боғлиқ анион транспорти тизимининг фаоллиги юқорилиги билан тушунтириш мумкин.

Тадқиқотларимиз юрак қон-томир тизими патологияси ва уни юзага келтирувчи механизмларни аниқлашда ҳамда даволашда янги истиқболли иммуномодуляторларини аниқлаш борасидаги изланишлар учун асос сифатида хизмат қилади.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида Ф-ОТ-2021-157 «Хужайра ҳажм бошқарилиш тизимининг нормал ва рақ хужайралари пролиферацияси ва ўлимидаги роли ва унинг фармакологияси» ҳамда REP24112021/41 “Ion Channels VRAC and CRAC as Novel Pharmacological Targets in Ischemia/Reperfusion Injury” мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилди.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Yi-Xiang Deng., Hung-Yu Chang and He Li. Recent Advances in Computational Modeling of Biomechanics and Biorheology of Red Blood Cells in Diabetes. // *Biomimetics* 2022, 7, 15. [doi.org/10.3390/biomimetics7010015](https://doi.org/10.3390/biomimetics7010015)

2. Nunes J.M. and Pretorius E. Red blood cell membrane cholesterol in type 2 diabetes mellitus. // *Thrombosis Research* 2019. -V. 178. – P. 91-98. [doi.org/10.1016/j.thromres.2019.04.005](https://doi.org/10.1016/j.thromres.2019.04.005)

3. Szablewski, L., & Sulima, A. The structural and functional changes of blood cells and molecular components in diabetes mellitus. // *Biological*

Chemistry 'Just Accepted' paper ISSN (online) – P. 1437-4315.  
doi:10.1515/hsz-2016-0196.

4. Moon, J. S., Kim, J. H., Park, I. R., Lee, J. H., Lee, H. W. Impaired RBC deformability is associated with diabetic retinopathy in patients with type 2 diabetes. // *Diabetes & Metabolism*, 2016. 42(6), – P. 448-452.  
doi:10.1016/j.diabet.2016.04.008

5. Кост Э.А. Справочник по клиническим лабораторным методам исследования. // М.: Медицина 1975 г. – С. 46-47.

6. Хамидова О.Ж., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Ташмухамедов Б.А., Сабилов Р.З. Эритроцит хужайраларининг осмотик резистентлигида анион каналларининг роли // ЎзМУ Хабарлари. -2011. (Махсус сони). – Б. 32-34.

7. Хамидова О.Ж., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Ташмухамедов Б.А., Сабилов Р.З. Роль анионного транспорта в механизме коллоидно-осмотического гемолиза под действием нистатина и  $\beta$ -эсцина // Узб. Биол. Журнал 2012. №1 – С. 3-7.

8. Рустамова С.И., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Хамидова О.Ж., Хушбакова З.А., Сыров В.Н., Эшбакова К.А., Йўлдошев М.П., Ташмухамедов Б.А., Сабилов Р.З. Одам қизил қон хужайраларидан осмотик стресс ва коллоид-осмотик лизис шароитларида гемоглобин чиқишига флавоноидларнинг таъсири // ЎзМУ Хабарлари. -2015. -№3/1, – Б. 60-63.

## RESISTANCE OF HUMAN ERYTHROCYTES TO OSMOTIC AND COLLOID-OSMOTIC STRESS IN DIABETES MELLITUS

